



Демократик институтлар ва инсон хуқуклари бўйича бюро

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Муддатидан олдинги Президент сайлови
2016 йил 4 декабрь

EXХТ/ДИИХБ

Сайловни кузатиш бўйича миссия
Якуний ҳисобот



Варшава
2017 йил 21 март

МУНДАРИЖА

I. ҚИСҚА ТАҲЛИЛИЙ ҲИСОБОТ.....	1
II. КИРИШ ВА МИННАТДОРЧИЛИК	3
III. ЗАМИН ВА СИЁСИЙ МУҲИТ	4
IV. САЙЛОВ ТИЗИМ ВА ҚОНУНЧИЛИГИ.....	5
V. САЙЛОВНИ БОШҚАРИШ	7
VI. САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ.....	9
VII. НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ	11
VIII. САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ.....	12
IX. КАМПАНИЯ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ	14
X. ОАВ	15
A. ОАВ муҳити	15
B. Ҳуқуқий пойдевор.....	17
C. ОАВ мониторинги хулосалари.....	17
XI. ОЗЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ БОШҚА МИЛЛАТЛАР ИШТИРОКИ	19
XII. ШИКОЯТ ВА АРИЗАЛАР.....	20
XIII. САЙЛОВНИ КУЗАТИШ.....	21
XIV. САЙЛОВ КУНИ	22
A. Очилиш ва овоз бериш.....	22
B. Санаб чиқиш	23
C. Натижани жадвал шаклига келтириш ва эълон қилиш.....	24
XV. ТАВСИЯЛАР	25
A. Устувор тавсиялар.....	25
B. Қолган тавсиялар	26
ИЛОВА I: САЙЛОВ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ	29
ИЛОВА II: ЕХХТ/ДИИХБ СКМ ТАРКИБИДАГИ КУЗАТУВЧИЛАР РЎЙХАТИ	30
ЕХХТ/ДИИХБ ҲАҚИДА	35

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУДДАТИДАН ОЛДИНГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ
2016 йил 4 декабрь**

ЕХХТ/ДИИХБ Сайловни кузатиш бўйича миссияси якуний ҳисоботи¹

I. ҚИСҚА ТАҲЛИЛИЙ ҲИСОБОТ

Ўзбекистон Республикаси тақлифига биноан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуqlари бўйича бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган муддатидан олдинги Президент сайловини кузатиш мақсадида Сайловни кузатиш бўйича миссияни (СКМ) ташкил этди. ЕХХТ/ДИИХБ СКМ сайлов жараёнининг ЕХХТ демократик сайловлар бўйича ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар, бошқа халқаро мажбурият ва стандартлар ҳамда миллий қонунчиликка риоя қилишини баҳолади. Сайлов куни ЕХХТ/ДИИХБ СКМ 32 та мамлакатдан келган 193 нафар кузатувчиларни сафарбар қилди.

5 декабрда Тошкентда тақдим қилинган Дастребки хулосалар баёнати қуйидаги хулосани ўз ичига олди: “4 декабрда бўлиб ўтган Президент сайловлари азалдан мавжуд тизимли камчиликларни бартараф этиш учун пухта ислохотга зарурат борлигига урғу берди. Қонунчилик базаси демократик сайлов ўтказиш учун номақбулдир. Сайлов ташкилотчилари ўз ишларининг шаффоғлигини яхшилаш чораларини кўриши ва сайловга дуруст тайёргарлик қилиши. Сиёсий плюрализмга давлат номидан ҳаракат қилувчиларнинг устувор ўрни ва фундаментал эркинликлар чеклови салбий таъсир кўрсатиб, ҳақиқий рақобатдан йироқ бўлган сайловолди кампаниясини вужудга келтириди. ОАВ сайловларни ниҳоятда чекланган ва назорат остидаги муҳитда ёритиб, давлат томонидан белгилаб берилган ахборот баёни сайловчиларга муқобил нуқтаи назар билан танишиш имконини бермади. Сайлов куни жиддий қоидабузарликлар қайд қилинди, жумладан, сайлов кутисига ортиқча бюллетенъ солиш аломатлари ва кенг тарқалган “ваколатли” овоз беришлар кузатилди, зеро бундай овоз беришга қарши олдиндан тарғибот ишлари олиб борилди. Сайлов комиссиялари натижага баённомаларини тузишда қийинчиликка дуч келдилар”.

Президент сайловлари бир қатор қонун ва Марказий сайлов комиссияси (МСК) қарорлари билан тартибга солинади. Яқинда кучга кирган қонуний ўзгартишлар ЕХХТ/ДИИХБ аввал берган тавсияларини, айниқса техник тавсияларни, эътиборга олди. Азалдан мавжуд асосий тавсиялар эса ҳисобга олинмади. Умуман олганда, қонунчилик фикр билдириш, йиғилиш ва бирлашиш каби фундаментал эркинликларга ўринсиз чекловлар кўйиб, чеклаш тарзида ижро қилинади.

МСК бошчилигидаги сайлов комиссиялари сайловолди пайтда функционал жихатларни самарали равишда бошқарди ва қонун билан белгиланган муддатлардан четга чиқмади. Очиқ мажлислар ўтказиш ва улар бўйича қабул қилинган қарорларни кечиқтирмай эълон қилиш орқали МСК жараён шаффоғлигига хисса кўшди. Сайлов куни ва натижаларни жадвал шаклига келтириш билан боғлиқ муҳим процедуралар тартибга солинмай қолди. МСК кенг қамровли сайлов тарғибот кампанияларини (жумладан “ваколатли” овоз беришга қарши) давлат ва хусусий ОАВ орқали ўтказди.

¹ Ушбу ҳисоботнинг фақат инглиз тилидаги версияси расмий ҳужжатdir. Норасмий таржима ўзбек ва рус тилларида мавжуд.

Сайловда партиядан кўрсатилган тўртта номзод, жумладан Президент вазифасини вақтинчалик бажараётган Бош вазир, курашди. Қонун мустақил номзодларни инобатга олмайди, шунингдек, номзодларга қўйилган айрим талаблар халқаро мажбуриятларга тўғри келмайди, масалан, яшаш муддати, тил билиш ва судланганликка тегишли талаблар. Таъкидлаб ўтиш керак бўлган ижобий қадам шуки, номзод рўйхатдан ўтиши учун унинг фойдасига берилган зарур имзолар сони жами сайловчиларнинг беш фоизидан бир фоизигача камайтирилиб, Президентликка номзод бўлиш йўлидаги бир тўсик олиб қўйилди.

Сайлов кампаниясига рақобат етишмади ва сайловчиларга ҳақиқий сиёсий муқобил танлов имконияти берилмади. Номзодлар бир-бирларининг сиёсий платформалари ва ҳукумат сиёсатига қарши чиқишдан ўзларини тийдилар. Кампания ниҳоятда тартибга солинган заминда ўтиб, тўртала номзоднинг материал ва тадбирлари яққол ўхшашлилиги билан жиҳатланди. ЎзЛиДеП номзодининг сайловолди ҳаракатлари 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген ҳужжатига зид равишда партия билан давлат ўртасидаги чегарани ўчириб юборди.

Сайловда иштирок этиш учун 20,5 миллионга яқин сайловчи рўйхатдан ўтди, жумладан хориждаги 12 000 сайловчи. Марказлашган сайловчи регистри йўқлиги ва сайлов куни рўйхатдан ўтиш имконияти мавжудлиги туфайли сайловчилар фақат бир дона рўйхатга киритилиб, фақат бир марта овоз берганини кафолатлаш қийин. Кўп карра рўйхатдан ўтиш ва овоз беришга қарши муҳофаза чораларининг йўқлиги сайлов жараёни ҳалоллигини шубха остига солиши мумкин.

Қонунчилик сайловолди ташвиқоти ёритилишини қатъий белгилайди. Ҳар бир номзодга республика ва маҳаллий ОАВда бепул эфир вақти ва нашр майдони тақдим қилиниб, бу таҳририй мундарижадан сезиларли даражада ошди. Номзодлар фаолияти тўғрисида бир хил ва тақрорланувчи ахборотлар эфирга доим ижобий тусда узатилди, сайловга бағищланган давлат ва хусусий ОАВларининг таҳририй дастурлари заиф чиқди. Миллий ва халқаро таҳлилий ва танқидий веб-сайтларга киришни тўсиш давом этди. Бинобарин, жамият сиёсий ғоялар чинакам алмашинувидан қалқон билан тўсилди ва шу боис сайловчиларнинг хабардорликка таяниб, оқилона танлаш имкониятига птур етказилди.

Президент сайловига номзод кўрсатган партияларга сайлов билан боғлиқ ҳаражатлар учун давлат бюджетидан тенг миқдорда маблағ ажратилади. Ҳаражатларни эълон қилиш ва номзодларга сайловолди ҳисботини бериш талаби қўйилмаганлиги сайловолди кампаниясини молиялаштиришда шаффофликни чегаралайди. Партия ёки номзодлар кампаниясини хусусий тартибда молиялаштиришга йўл қўйилмайди; бу хол сайловчининг ёқтирган номзодини молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятига ўринсиз чеклашдир.

Сайловга тегишли мунозараларни ҳал этиш жараёни бир нечта қонун ва МСК қонунлари билан тартибга солинар экан, бунинг оқибатида уйғунлик йўқолади. Қонун қайта санаб чиқиши ёки натижани ҳақиқий эмас деб топиш талабини инобатга олмайди ва, шундай экан, сайлов жараёнининг ҳал қилувчи жиҳатлари бўйича самарали дармон ҳавола қilmайди. Умуман олганда, мавжуд шикоят ва аризаларни бошқариш механизми масалани ҳал қилишнинг шаффофф ва масъулиятли тизимини кўзда тутмайди.

Озчиликни ташкил этувчи бошқа миллатлар Конституцияда белгиланган сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Кампания материаллари З та майда миллат тилида мавжуд эди. Сайловга тегишли аксарият материалларни, жумладан бюллетенларни, МСК ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида ишлаб чиқди. Республика миқёсидаги давлат газеталари номзодларга ўзбек, рус, тоҷик ва қозоқ тилларида ташвиқот учун бепул нашр майдонини ажратдилар. Тил ёки миллат масалалари сайловолди кампаниясидан жой эгалламади.

Тенглик кафолатлари Конституцияда белгиланганлигига қарамай, сайланувчи ва ижро органларда хотин-қизлар вакиллари етарлича ўрин эгалламайди. Сайлов ташкилотчилари орасида гендер вакиллик мувозанати анча даражада таъминлашиб, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг тегишинча 36 ва 47 фоизини хотин-қизлар ташкил қилди. МСК 16 аъзосидан 2 таси аёлдир. Президентликка кўрсатилган тўрт номзод орасида аёл йўқ эди.

Қонун партия ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларига йўл қўяди. Партиявийликдан ҳоли фуқаролик кузатуви белгиланмаган экан, бу шаффофликни ва жамоат ишончини сусайтириб, ЕХХТ мажбуриятларига зид чиқади. 548 та халқаро ва 37 000 та партия кузатувчилари рўйхатга олинди.

Сайлов куни кузатилган жанаёнларнинг 12 фоизи салбий баҳоланди, чунки кузатувчилар миллий қонунчилик ва ЕХХТ доирасидаги мажбуриятларга қарши қоидабузарликларни қайд қилдилар, жумладан “ваколатли” овоз бериш ва сайлов қутисига ортиқча бюллетенъ солиш аломатлари кузатилди. Кузатувлар кўп карра овоз беришни бартараф этувчи муҳофаза чоралари йўқлигини тасдиқлади.

Кузатилган овоз санаб чиқиши жараёнларининг деярли 2/3 қисми салбий баҳоланди. Кузатилган сайлов участкаларининг ярмидан кўпида бюллетенларни солишириш кетма-кетлигига риоя қилинмади, шунингдек, ишлатилмаган бюллетенлар бекор қилинмади. Сайлов участкалари аъзолари натижага баённомаларини тузиш ва солиширишда кўп муаммоларга дуч келиб, кўп ҳолатларда баённомаларни натижани жадвал шаклига солиш пайтида ўзгартиришга тўғри келди. Катта аҳамиятли қоидабузарликларга йўл қўйилиши санаб чиқиши ҳалоллигини таъминланмаганидан далолат беради, ваҳоланки 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген ҳужжати буни талаб этади.

Натижани жадвал шаклига келтириш жараённига округ ва марказий босқичда шаффофлик этишмади. Ўз веб-сайтида МСК рўйхатга олинган умумий сайловчилар сони ва ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозларни фоиз кўринишда эълон қилди, аммо сайлов участкалари кесимида батафсил маълумотларни эълон қилинмади. МСК якуний баённомасининг нусхаси ҳам эълон қилинмади.

Ушбу хисботдаги тавсиялар Ўзбекистонда сайловларни демократик сайловлар бўйича ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар, бошқа халқаро мажбурият ва стандартларга тўла мувофиқ равишда ўтказиш борасидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тақдим қилинмоқда. ЕХХТ/ДИИХБ сайлов жараёнини янада яхшилашда ва ушбу ҳамда аввалги хисботларда берилган тавсияларга амал қилишда ҳокимият органларига ёрдам беришга тайёр.

II. КИРИШ ВА МИННАТДОРЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси таклифига биноан, ҳамда 11-13 октябрь кунлари ўтказилган Талабларни аниқлаш миссияси берган тавсияларга асосланиб, 2 ноябрда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Президент сайловини кузатиш мақсадида Сайловни кузатиш бўйича миссияни (СКМ) ташкил этди.² Элчи Петер Тейлер бошчилигидаги СКМ Тошкентда жойлаштирилган 15 та эксперт ва мамлакат бўйлаб ёйилган 20 та узоқ муддатли кузатувчилардан ташкил топди.

² Каранг: [Ўзбекистон бўйича ЕХХТ/ДИИХБ илгари тузган хисботлари](#).

Сайлов куни EXХТ/ДИИХБ СКМ 32 та мамлакатдан келган 192 нафар кузатувчиларни сафарбар қилди. 9383 та сайлов участкасидан 833 тасида овоз бериш, 81 тасида овозларни санаб чиқиши жараёнлари ҳамда барча 14 та округ сайлов комиссияларида (ОСК) натижаларни жадвал шаклига келтириш жараёни кузатилди. Сайловдан кейинги воқеалар ривожини кузатиш мақсадида EXХТ/ДИИХБ СКМ Ўзбекистонда 15 декабргача қолди.

EXХТ/ДИИХБ СКМ сайлов жараёнлари EXХТ мажбуриятлари ва демократик сайловлар бўйича халқаро мажбурият ва стандартларга, шунингдек миллий қонунчиликка, қанчалик мувофиқ ўтказилганига баҳо берди. Ушбу ҳисобот 5 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган матбуот анжуманида тақдим қилинган Дастребки хуносалар баёноти кетидан тузилди.

EXХТ/ДИИХБ СКМ сайловни кузатишга таклиф қилгани учун ҳукуматга, кўрсатилган кўмак ва ҳамкорлик учун Марказий сайлов комиссияси (МСК), Ташки ишлар вазирлиги ва бошқа давлат органларига миннатдорчилик изҳор қиласди. Ўз фикрлари билан ўртоқлашган сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти, ОАВ, халқаро ҳамжамият вакиллари ва қолган сухбатдошларга ташаккур билдириди. Шу билан бирга, EXХТ/ДИИХБ СКМ қўллаб-кувватлагани учун EXХТ Лойиҳалар координаторига ҳам раҳмат айтади.

III. ЗАМИН ВА СИЁСИЙ МУҲИТ

Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислом Каримов вафотидан бир ҳафта ўтиб, 9 сентябрда МСК 4 декабрда муддатидан олдинги Президент сайловлари ўтказилишини эълон қилди. Барқарорлик ва давлат хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини таъкидлаб, 8 сентябрда Олий Мажлис ўз палаталари қўшма мажлисида Бош вазир Шавкат Мирзиёевни Президент вазифасини бажарувчиси этиб тайинлади. Конституцияга мувофиқ президентлик ваколатини ўз зиммасига вақтинчалик олиши керак бўлган Сенат Раиси ушбу ваколатларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида кўп йиллик тажрибага эга бўлган Бош вазирга топширишни таклиф қилди.

Бир давлат раҳбари бошчилигидаги 25 йиллик мустақилликдан сўнг, мазкур сайлов Ўзбекистон учун муҳим ўтиш даври бўлди.³ Сиёсий тизим қарор қабул қилиш ва ижро этиш ваколатлари аксариятини Президент хузурида жамлаб, Президент қонун чиқариш ваколатини парламент билан баҳам кўради. Оқибатда ҳокимият тақсимланишининг самарадорлиги юзасидан савол туғилади.⁴ Парламентнинг тўғридан-тўғри сайланадиган ўринлари (150 тадан 135 таси) рўйхатдан ўтган тўрт сиёсий партияга тегишли бўлиб, ушбу

³ Ислом Каримов – 1989 йилда ЎзССР Коммунистик партияси Биринчи котиби, 1990 йилда ЎзССР Президенти, 1991 йилда мустақил Ўзбекистон биринчи Президенти этиб сайланди. Конституция 1992 йилда қабул қилинди. 1995 йилда ўтказилган референдум натижасида унинг биринчи президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилиб, шу йилда иккичи маротаба Президент сайловида ғалаба қозонди. Яна бир референдум натижасида президентлик муддати беш йилдан етти йилга ўзгартирилган (кейинчалик 2011 йилда парламент муддатни илк ҳолига қайтарди). 2007 йилда учинчи маротаба (ўзгартирилган Конституцияга биноан, яъни айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлишига чекловни ўзида сақлаб колган Конституцияга биноан), 2015 йилда тўртинчи маротаба Президент этиб сайланди.

⁴ Президент барча учун мажбурий қарорлар чиқариш, қонун қабул қилиш ташабbusи билан чиқиши, қонун лойиҳаси ёки унинг айrim қоидаларига нисбатан вето кўллаш ҳукуқларига эга. Боз устига, Президент Бош вазирни (парламентда энг кўп ўрин эгаллаган сиёсий партия таклифига биноан), Сенат ва Марказий банк раисларини, ҳамда мамлакатнинг энг юқори З та суднинг (Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди) раис ва судьяларини тайинлайди, Вазирлар Махкамасини тасдиқлайди, Бош прокурорни (Олий Мажлис розилиги билан), Миллий хавфсизлик хизмати Раиси, Ҳисоб палатаси, қолган судлар судьяларини ҳамда вилоят ҳокимларини (Бош вазир таклифига биноан) тайинлайди ёки лавозимидан четлаштиради.

партиялар Биринчи Президент сиёсати ортидан ҳамжиҳатлик шакллантириб, сайловчиларнинг турли гуруҳлари манфаатларини ифодалашга даъво қиласидилар⁵. Қилинган уринишларга қарамай, 2003 йилдан буён бирорта сиёсий партия рўйхатдан ўтказилмаган экан, бу ҳол 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген хужжати 7.6-банди билан мувофиқлиги юзасидан шубҳа пайдо бўлади.⁶

Кўплаб ЕХХТ/ДИИХБ СКМ сухбатдошлари фикрига қараганда, мустақил фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳам ўз ҳуқуқий мақомини рўйхатдан ўтказиш ёки ижтимоий ҳаётда фаол бўлиш борасида ўринсиз қийинчиликларга дучор бўлмоқда⁷. Мустақил журналистлар ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари фундаментал эркинликлар чекланиши билан изоҳлаган муҳитда фаолият юритиб, таъқибга мубтало бўлиши мумкин.⁸ Чинакам, уюшган сиёсий оппозиция йўқ, оппозициядаги бир неча шахс эса ҳамон қамоқда ёки қувғинда.⁹

Бирлашиши эркинлигига номунатосиб ёки камситувчи ҳуқуқий чекловлар қўйиниши лозим. Бундан ташқари, ФСҲХП ва 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген хужжатининг 9.3 ва 10.3-бандалига мувофиқликни таъминлаши мақсадида фуқаролик жамияти ташкилотлари фаолиятига қўйилган чекловлар қайта кўрилиб, ўзгартирилиши лозим.

Кўпгина ЕХХТ/ДИИХБ СКМ сухбатдошлари бу сайловни давлат учун унинг сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларга содиқлигини намойиш қилиш имконияти деб ҳисоблади. Сайловолди мулоҳозалар ҳам давомийлик, ҳам давлатдан кўпроқ масъулият талабларига алоҳида эътибор қаратди.

IV. САЙЛОВ ТИЗИМ ВА ҚОНУНЧИЛИГИ

Президент тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Икки номзод иштирок этётган сайловда энг кўп овоз олгани лавозимга сайланади. Бир ёки иккитадан ортиқ номзод бўлса, берилган овозлар умумий сонининг 50 фоизидан ортиғини эгаллаган номзод биринчи раундданоқ сайланади. Зарур овозлар сонини ҳеч бир номзод ололмаса, сайловчиларнинг овозини энг кўп олган икки номзод иштироқида иккинчи раунд

⁵ Колган 15 та ўринга Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари сайланади.

⁶ “Бирлик” вакиллари ЕХХТ/ДИИХБ СКМга сиёсий партия сифатида рўйхатдан ўтиш учун 2003 йилдан бери уринаётганликлари ҳақида хабар бердилар. Расмиятчиликка асосланган сабабларга кўра уларга рад жавоби бериляпти. 7.6-бандда гап “алоҳида шахс ва гуруҳлар тўлиқ эркинликда ўз сиёсий партиялари ёки бошқа турдаги сиёсий ташкилотларни тузиш ҳуқуки билан, шунингдек бундай партия ва ташкилотларга қонун олдида ва ҳокимият органлари томонидан тенг муносабатга асосланган рабоқат учун зарур ҳуқуқий кафолатлар билан таъминлаш” ҳақида боради. Қўшимча тариқасида қаранг: 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро пактига (ФСҲХП) БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси 1996 йилда қабул қилган 25-сон Умумий изохи 26-банди.

⁷ Ўринсиз чекловлар халқаро нодавлат ташлилотлари (НДТ), айникса инсон ҳуқуқлари борасида фаолият юритаётганларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Мисол учун, “Хьюман Райтс Вотч” (Human Rights Watch) ташкилоти 2011 йилдан, яъни Ўзбекистонда идораси ёпилгандан бери уни қайта очмоқчи.

⁸ БМТ Махсус маърузачиси 2016 йил январда тузган [Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ахволи бўйича хисоботида](#) “сиёсий сабабларга асосланган айловлар туфайли ҳамон қамоқда сакланаётдан кўплаб инсон ҳуқуқлари активистлари, мустақил журналистлар ва диссидентлар” юзасидан ҳавотир изхор қилинган. 2015 йил июлда Ўзбекистон бўйича тўртинчи даврий хисоботнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси (БМТИХҚ) томонидан ўрганилиши натижасида “мустақил журналистлар, ҳокимият танқидчилари, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва бошқа активистлар юритаётган фаолиятлари туфайли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан уюширилган жабр, қувғин, ўзбошимчалик билан ушлаш ва хибсга олиш, қийнок ва ёмон муносабатга мубтало бўлаётганликлари ҳамда сохталашибилган айловлар асосида таъқиб қилинаётганликлари тўғрисида муттасил хабарлар келаётгани” аниқланди.

⁹ Сайловга оз қолгандা инсон ҳуқуқлари халқаро ташкилотлари томонидан виждан асири деб тан олинган бир шахс яқиндагина узайтирилган жазо муддати тугишидан аввалроқ озод этилди.

ўтказилади. Бундай тақорий овоз бериш бир ой ичида ўтказилиб, унда кўпчилик овозни олган номзод ғолиб ҳисобланади. Биринчи раундда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 33 фоизидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади, лекин истиқболли иккинчи раунд учун бундай талаб йўқ. Конституция сурункасига сайланишни икки муддатгача чеклайди.

Президент сайлови Конституция, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонун (“ПС” қонуни), “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонун (“МСК” қонуни), “Фуқаролар сайлов хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун (“Сайлов” қонуни) ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.¹⁰ Сайлов жараёни жиҳатларининг бир қанча қоидалари қонунлар билан МСК қарорлари ўртасида тақсимланган бўлиб, бу қонунчилик равонлигини заифлантиради.¹¹ Бундан ташқари, бир неча масалалар бирламчи қонунлар билан эмас, балки МСК қарорлари билан тартибга солинар экан, бу хол хуқукий аниқликни таъминламайди.¹² Қонунчиликда камчилик, ноаниқлик ва номувофиқликлар мавжуд.¹³ 2015 йил декабрда ўтказилган Президент сайловидан кейин “ПС” қонуни, “МСК” қонуни ва сайловга тегишли бошқа қонунларга айрим ўзгартишлар киритилди.¹⁴ Чунончи, ЕХХТ/ДИИХБ берган бурунги тавсияларига риоя қилган ҳолда, номзод рўйхатдан ўтиши учун тўплаши лозим бўлган имзолар сони жами сайловчиларнинг беш фоизидан бир фоизигача камайтирилди. Шунингдек, МСК ўз қарорларини веб-сайтида жойлаштириш мажбурияти жорий қилинди. Бундан ташқари, сайлов кампаниялари ва муддатидан олдин овоз бериш қонун-қоидалари ишлаб чиқилди.¹⁵ Шундай бўлсада, ЕХХТ/ДИИХБ берган аксарият тавсиялар, жумладан, асосий эркинликлар борасидаги тавсиялар, эътиборсиз қолмоқда.

Хуқуқий аниқликни таъминлаш учун сайлов жараёнининг асосий жиҳатлари парламент томонидан қабул килинган бирламчи қонунлар томонидан тартибга солиниши лозим. МСК қарорлари эса қонунлар ёритган масалаларга яна ҳам ойдинлик киритиши мақсадида қабул қилиниши лозим. Қонунчилик равонлигини таъминлаш учун қонун ҳужжатларини уйғунлаштириш, жумладан, ягона сайлов кодексини тузиши, устида бош қотириши лозим.

Хуқуқий нуқсонлар қаторига фундаментал эркинликлар устига қўйилган ўринсиз чекловлар кириб, улар ўта тақиқловчи ёки ўзбошимчалик билан талқинга йўл қўймокда¹⁶. Бирлашиб эркинлигига чекловлар сирасига хуқуқни муҳозафа қилувчи органлар томонидан тўскىнлик ва қатнашчиларга санкция, жумладан жарима ва уч йилгача қамоқ жазосини, бериш киради.¹⁷ Йиғилиш эркинлигини чекловчи холатларга сиёсий партия ва фуқаролик жамияти

¹⁰ Амалдаги қонунчилик сиёсий партиялар, сиёсий партияларни молиялаштириш ва фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунларни ҳамда Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли қоидаларини ўз ичига олади.

¹¹ Мисол учун: сайлов хуқуки кафолати қоидалари “Сайлов” ва “ПС” қонунларида тақорланади; муддатидан олдин овоз бериш “ПС” қонуни, “Сайлов” қонуни ҳамда МСК 739 ва 750-сон қарорларида тартибга солинган; кампания ўтказиш тартиблари “ПС” қонуни, “Сайлов” қонуни ҳамда МСК 743-сон қарорида ёритилган.

¹² Масалан, кампанияни молиялаштириш МСК 733-сон қарори билан тартибга солинади, “ПС” қонуни эса масала юзасидан умумий қоидани ўз ичига олади холос.

¹³ Кампания молиявий таъминоти, Шикоят ва аризалар, Сайлов куни бобларига қаранг.

¹⁴ Сиёсий партиялар тўғрисидаги ва сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгартишлар Президент сайловига тааллуқли эмас.

¹⁵ МСК 2014 йилдаги қарори билан тергов ҳибсоналарида ташкил этилган сайлов участкалари 2015 йилда қабул қилинган “ПС” қонунидан ҳам ўрин олди.

¹⁶ Қаранг: [БМТИҲКнинг Ўзбекистонда кузатувлари бўйича 2015 йил августда тузилган тўртинчи даврий ҳисоботи](#).

¹⁷ Жамоат йигинлари тўғрисида қонун йўқ. Жамоат йигинлари Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 205-сон қарори ҳамда Жиноят кодекси билан тартибга солинади.

ташкilotларини рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган малоллик келтирувчи талайгина талаблар мисол бўла олади. Боз устига, давлат ҳокимияти органлари ўз ихтиёларига ҳавола қилинган рўйхатдан ўтказиш ва чиқаришни рад этиш ваколати билан таъминланган. 2015 ва 2016 йилларда фуқаролик жамияти ташкilotлари фаолиятига нисбатан кўрсатилган номутаносиб, сабабсиз ҳуқуқий ва маъмурий тўсқинликлар сони ортди.¹⁸ Шунингдек, фуқаролик жамияти ташкilotларини хориждан молиялаштириш бўйича машаққатли тартиб яна ҳам мураккаблашди¹⁹. Фикр билдириш эркинлигига чекловлар сирасига номутаносиб санкцияларни, жумладан беш йилгача қамоқ жазосини, ўз ичига олган бир қатор жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари активистларига нисбатан таъқиб, жабр ва ёмон муносабат қўлланилаётгани ҳақидаги хабарлар киради.²⁰ Умуман олганда сайлов қонунчилиги, у тақиқлаш тусида қўлланилаётганлигини ҳам ҳисобга олинса, ҳалқаро талабларга жавоб бермайди ва демократик сайлов ўтказиш учун номақбулдир.

Фундаментал бўлган бирлашии, йигилиши ва фикр билдириши эркинликларига чекловлар ўрнатилиши истисно тарзида, фақатгина зарур бўлганда, демократик тамоийларга амал қилган ҳолда, бундан кўзланнаётган ҳуқуқий мақсадга мутаносиб бўлганда, ўзбошимчалик ва ўта тақиқлаш тусида бўлмаганида қўлланилишини таъминлаши мақсадида барча тегишли қонун ва қарорлар қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши лозим.

V. САЙЛОВНИ БОШҚАРИШ

Сайлов МСК, 14 та ОСК ва 9383 нафар Участка сайлов комиссиялари (УСК) томонидан бошқарилди.²¹ МСК доимий орган бўлиб, ОСК ва УСКлар ҳар бир сайлов учун маҳсус тузилади. Сайлов комиссиялари ресурслар билан яхши таъминланган ва, умуман олганда, сайловлар техник жиҳатини самарали тайёрлаб, белгиланган муддатда ҳозир қилди.

МСКнинг 16 та аъзоси, жумладан 2 нафар аёл, вилоят кенгашлари таклифига кўра парламент томонидан белгиланмаган муддатга тайинлаган. ЕХХТ/ДИИХБ СКМнинг кузатуви давомида МСК 4 маротада сессия ўтказиб, сессиялар ҳалқаро кузатувчилар, партия кузатувчилари ва ОАВ вакиллари учун очиқ бўлгани учун санаб ўтилганлар сессияларда иштирок этдилар. Сайловни бошқариш борасидаги коммуникация шаффофтегини яхшилаш мақсадида МСК барча 14 та ОСК билан видеоконференция шаклидаги учта жонли сессия ўтказди.

Муддатидан олдинги Президент сайловини эълон қилгач, МСК сайлов жараёнининг турли жиҳатлари юзасидан 60 та қарор қабул қилиб, уларни ўз веб-сайтига жойлаштирди. Айrim техник жиҳатлар бўйича йўл-йўриклар батафсил ишлаб чиқилди, аммо овозларни санаб

¹⁸ Мисол учун, Адлия вазирлигининг 2015 йил 4 июнда қабул қилган 117-сон карорига мувофиқ, нодавлат ташкilotлари вакиллари хорижий сафарларга чиқиш, Ўзбекистонда семинар ёки йигилиш ўтказиш, чет элликларни таклиф қилиш, босма ва аудио-видео материалларни ишлаб чиқариш учун Адлия вазирлигидан рухсат олиниши талаб қилинади.

¹⁹ НТД хориждан молиялаштириш Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва банк комиссиясининг рұксатини талаб этади. Ушбу талаб “Нодавлат нотижорат ташкilotлари тўғрисида”ги конунга 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган ўзгартишлар ва Адлия вазирлигининг нодавлат нотижорат ташкilotларини молиялаштириг тўғрисидаги 2016 йил 15 июнда қабул қилган 2802-сон қарори билан киритилди.

²⁰ БМТИҲҚнинг Ўзбекистонда кузатувлари бўйича 2015 йил августда тузилган тўртингчи даврий ҳисоботи.

²¹ Жумладан, мамлакат ташқарисидаги 36 та давлатда жойлашган дипломатик миссиялар қошида 44 та сайлов участкаси; ҳарбий қисмларда 226 та сайлов участкаси; ва тергов хибсоналарида 11 та сайлов участкаси. ОСК сони 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида тузилган сайлов ҳудудларига тўғри келади. Ўзбекистоннинг жами 3 нафар эксклави бор: Қыргиз Республикасидаги 2 та эксклавни Фарғона ОСК, Тожикистон Республикасидаги 1 та эксклавни Наманганд ОСК камраб олди.

чиқиши билан боғлик қолган аҳамиятли жиҳатлар тартибга солинмай қолди.²² Сайловни бошқаришда қонунчиликда мавжуд камчиликларни бартараф этишга мулоҳозали ёндашув тутилмади.

Овозларни санаб чиқиши ва натижани жадвал шаклига келтириши билан боғлик ойдин, тўғри кетма-кетликтаги тартиб ва кафолатларни ўз ичидаги музассасам этиши учун қонунчиликни ўзгартириши керак. Қонунчиликка асосланган ҳолда МСК қўйи погонадаги комиссияларга қадам-бақадам йўриқнома ишлаб чиқиши лозим.

Олқишига лойиқ ҳаракат сифати таъкидлаш керакки, МСК имконияти чекланган фукароларларнинг сайловда мустақил қатнаша олишларига ёрдам бериш мақсадида маҳсус қарор қабул қилди.²³ Жумладан, илк бор МСК “Брайль” алифбосида бир қанча сайлов бюллетенларини чоп этди. Мақтовга сазовор иш қилинган бўлсада, ушбу бюллетенларнинг фарқловчи белгилари яширин овоз бериш нуқтаи назаридан ҳавотир уйғотди. Худди шу аснода, муддатидан олдин овоз берувчиларнинг сайлов варакалари айнан шундай белгиланиб, овоз бериш яширинлигини яна бир бор хавф остига солди.²⁴

Овоз бериши яширинлигини таъминлаши мақсадида бюллетенъ дизайнни маълум бир сайловчи билан бюллетенъ ўртасида кўзга кўринадиган алоқадорликни истисно қилиши лозим.

МСК ОСКларни шаҳар ва вилоят кенгаш депутатлари номзодлари сирасидан шакллантириди. ОСК УСКларни кенгашлар тавсиясига биноан, маҳаллалардан кўрсатилган номзодлар сирасидан шакллантириди.²⁵ ОСК 36,6 фоизини ва УСК 47 фоизини аёллар ташкил қилди.²⁶ Сиёсий партия аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари сайлов комиссияларига аъзо бўла олмайди. Қуий даражадаги сайлов комиссияларига аъзо бўлишнинг қонунда белгиланган ягона мезони обрўдир. Одатда УСК аъзолари параллель равишда маҳалла қўмиталарида ёки сайлов участкаси жойлашган ташкилотда ишлаб келади.²⁷ Аксарият ҳолларда УСК раислари сайлов участкаси жойлашган ташкилот раҳбари бўлиб, УСК аъзолари эса уларнинг қўйл остидаги ходимларидир. Бу ҳол

²² Масалан, УСК баённомаларини ОСК томонидан текшириш тартиби, баённомани нотўғри деб топиш ёки бекор қилиш учун мезонлар, натижани жадвал шаклига келтириш ва қайта санашиб бўйича ОСК тартиби.

²³ МСКнинг 773-сон қарорига мувофиқ, сайлов участкаларида ногиронлар аравачаси юриши учун барча кулагайлик яратилган. Алоҳида овоз бериш кабиналари ҳам таъминланди. МСК маълумотларига кўра, сайловда кўзи ожиз 39 000 сайловчи қатнашди.

²⁴ Сайлов куни ўз сайлов участкаларидан йирокда бўлган сайловчиларга 24-ноябрдан 2-декабргача овоз бериш имконияти берилди. Бунинг учун улар ёзма равишда мурожаат қилиб, келолмаслик сабабини тушунтиришлари керак эди. Сабабни тасдиқловчи бирон ҳужжат тақдим қилиш шарт эмасди.

²⁵ Маҳаллалар бу анъанавий ўзбек жамоат тузилмалари бўлиб, улар кундалик ҳаёт масалаларини тартибга солади ва давлат билан жамиятни боғлайди. Бошқа жиҳатлар билан бир қаторда, маҳаллалар жамоат аҳолисига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг бирламчи манбасидир. 1993 йилда қабул қилинган “Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун (“Маҳалла” қонуни) маҳаллалар ролини расмийлаштириди. Маҳалла қўмитаси қарорларини бузиш хукукий жазоланади. Айrim мутахассислар фикрича, маҳаллалар роли ҳокимият инструменти эмас, балки фукаролик жамияти органи сифатида намоён бўлиши ҳакида баҳслар ҳамон давом этмоқда.

²⁶ Бирорта ОСКда аёл киши раис бўлмади, зеро ўринбосарларнинг деярли ярми аёллар эди. Очилиш, овоз бериш ва санаб чиқиши маҳал қузатилган УСКларнинг ярмидан кўпидаги эркаклар раислик қилди.

²⁷ Боз устига, Бухоро ва Тошкент вилоятларида, ЕХХТ/ДИИХБ СКМ хабарларига кўра, УСК аъзолари кенгаш депутатлари бўлган. Конституциянинг 99-моддасида бундай ёзилган: “Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиласидаги ҳалқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб...”; 102-моддасида эса бундай: “Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишилилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради”.

қарши фикр билдириш хафсаласини пир қилиши мумкин ва бундай аъзоларнинг қарорларни мустақил қабул қилиш қобилиятини шубҳа остига олади.²⁸

Сайлов комиссияларининг мустақиллигини муҳофаза қилиши чораларини кўриши лозим. Хусусан, УСК таркибида мансаб муносабатлари иерархияси тақрорланиши оқибатида юзага келадиган манфаат зиддиятларига эътибор берииш лозим.

1 ноябрда МСК барча УСК аъзолари учун тренинг дастурини бошлади. 20-30 ноябрь кунлари иккинчи босқич тренинглари, яъни сайлов куни тартибларига урғу берган тренинглар ташкил қилинди. МСК, ОАВ ва бир нечта жамоат бирлашмалари билан биргаликда, сайловчилар учун ахборот кампанияларини, жумладан “ваколатли” овоз беришга қарши кампанияни, ўтказди. Айрим телекўрсатувлар сурдотаржима билан ҳам намойиш этилди.

VI. САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Сайлаш ҳуқуқи 18 ёшга тўлган фуқароларга берилган. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар ёки озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар, қилган жинояти оғирлигидан қатъий назар, Президент сайловида қатнашмайдилар. Ақли заифлик ёки ҳукм этилганлик туфайли сайлаш ҳуқуқига чекловлар ўрнатиш ЕХХТ мажбуриятлари ва бошка халқаро стандартларга тўғри келмайди.²⁹

Кўйилган чеклов билан содир этилган жиноят оғирлигининг мутаносиблигини таъминлаш мақсадида жиноят туридан қатъий назар жазо ўтаётган фуқароларнинг сайлаши ҳуқуқига чеклов қўйиши қайта кўриб чиқилиши лозим. Ақли заиф инсонларнинг сайлаши ҳуқуқига чеклов ҳам қайта кўриб чиқилиши ёки ўзига хос жиҳатлардан келиб чиқкан ҳолда ҳар бир ҳолатда алоҳида ҳал қилиниши лозим. Давлат ҳокимияти органлари БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишини ўйлаб кўриши лозим.

Сайловчиларни рўйхатга олиш суст ва маҳаллий даражада амалга оширилади. Марказлашган сайловчи регистри юритилмайди.³⁰ Сайловчилар доимий ёки вақтингчалик яшайдиган жойларига қараб рўйхатдан ўтади. Қонунга мувофиқ, сайловчи фақат бир дона рўйхатга киритилиши мумкин. Қонун талабига кўра, УСК сайловчилар рўйхатини маҳаллий ижро этувчи органлар (ҳокимиятлар) берган маълумотларга асосланган ҳолда тузади. Шундай бўлсада, бир нечта туманда ЕХХТ/ДИИХБ СКМ сайлов рўйхати маҳаллалар томонидан,

²⁸ ФСХХП 25-сон Умумий изохининг 25-моддаси 20-бандида “сайлов жараёнини бошқариш учун ҳамда ушбу жараённи одилона, холисона ва Пактга мос равишида қабул қилинган қонунларга мувофиқ равишида олиб бориш учун мустақил сайлов органи тузилиши лозим” талаби баён қилинган. 2002 йилда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) томонидан қабул қилинган “Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларда демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқ ва эркинликлари стандартлари тўғрисида”ги конвенциянинг (МДҲ Конвенцияси) 19.2-моддаси “к” бандида “... демократик, эркин, одилона, ҳаққоний ва вакти-вақти билан сайлов ўтказувчи холисона сайлов органларини тузишни таъминлаш” хақида гап боради.

²⁹ 2006 йилги Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 26-моддаси мувофиқ, “ногиронларга сиёсий ҳуқуқлар ва бошқалар билан тенг равишида улардан фойдаланиш имконияти кафолатланади”. 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген хужжатининг 7.3-банди кўра, аъзо давлатлар “балоғат ёшига етган фуқароларга универсал ва тенг сайлаш ҳуқуқларини кафолатлайди”, 24-бандида эса “ҳуқуқ ва эркинликка кўйилган ҳар қандай чеклов ... конунда белгиланган мақсадга қатъий равишида мутаносиб бўлиши керак” деб ёзилган. Қўшимча тарикасида қаранг: ФСХХП 25-сон Умумий изохининг 25-моддаси 14-банди ва 2002 йилги [Европа Кенгаши қабул қилган Венеция комиссиясининг сайлов масалаларида намунавий амалиёти кодекси](#) (Намунавий амалият кодекси) I.1.1.d.ii-банди.

³⁰ ЕХХТ/ДИИХБ СКМ 2018 йилга келиб рақамли марказлашган сайловчи регистри жорий қилиш бўйича ислоҳот амалга оширилаётганлигидан хабардор қилинди.

ҳокимиятлар иштирокисиз ва турли маълумотларга, жумладан маҳалла рўйхати ва ўтган сайловдан қолган сайловчилар рўйхатига асосланган ҳолда тузилганини кузатди.³¹ Сайловчилар рўйхатини тузишда изчиллик йўқлиги кўп карра рўйхатдан ўтишдан муҳофаза қилмайди.

Мунтазам равшида янгиланиб ва турли манбалар орқали қайта текширилиб турилувчи марказлашган сайловчи регистрини ишлаб чиқши устида бош қотириши лозим. Сайловчилар рўйхатларини тайёрлаш механизми аниқ белгиланиб, ягона йўсинда қўлланилиши лозим.

Доимий сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатлари босиб чиқилиб, ҳамма кўриши учун 19 ноябргача, маҳсус сайлов участкаларида 2 декабргача қўйиб турилди.³² Сайловчилар маълумотларни текшириши ва ўз УСКга мурожаат орқали ўзгартириш киритишни сўраши мумкин эди.³³ ЕХХТ/ДИИХБ СКМ бу имкониятдан оз сайловчилар фойдаланганини кузатди. Давлат органлари эшикма-эшик юриб, сайловчиларни тасдиқлаш кампаниясини ўтказди. Сайловдан кейин МСК веб-сайтида жойлаштирилган маълумотга кўра, мамлакат ҳудудидаги сайловчилар сони 20 461 805 кишини ташкил этди.³⁴

ЕХХТ/ДИИХБ кўплаб тавсияларига қарамасдан, қонун рўйхатдан сайлов куни ўтишга йўл қўяди. Сайловчилар шахсни тасдиқловчи хужжат ёки истиқомат далили асосида сайловчилар рўйхатининг иловасига қўшилиши мумкин.³⁵

Кўп карра овоз беришини олдини олиши мақсадида сайловчилар сайлов куни рўйхатдан ўтиши имкониятини бекор қилиши ҳақида мулоҳаза қилиши лозим. Сайлов кунида рўйхатдан ўтиши қолдирилса, қўшимча ёзувларга фақат аниқ ишлаб чиқилган тартибга асосан руҳсат берилиши лозим.

МСК ҳамма кўриши учун қўйилган даврда сайловчилар рўйхатларига қўшилган ёки олиб ташланган сайловчилар сони ҳамда сайлов кунида сайловчилар рўйхатларига қўшилган сайловчилар сони ҳақида ҳеч қандай маълумот эълон қилмади. Расмий рақамлар йўқлиги сайловчиларни рўйхатга олиш жараёнининг шаффофлигини пасайтирди.

Шаффофликни ошириши учун сайлов кунида ёки ундан аввал рўйхатдан ўтган сайловчилар умумий сони ҳақидаги ОСК ва УСК бўйича бўлинган маълумотни чоп этишининг юридик талаби МСК зиммасига юкланиши лозим.

Хорижда бўлган сайловчилар мамлакат ташқарисида ташкил этилган сайлов участкаларида овоз бериши мумкин эди. МСК мамлакат ташқарисида қарийиб 12 000 сайловчи борлигини

³¹ ЕХХТ/ДИИХБ СКМга бундай ҳоллар ҳақида хабарлар Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидан келди.

³² Ҳарбий кисмлар, тиббиёт муассасалари, тергов ҳибсоналари ва дипломатик миссиялардаги сайловчилар рўйхатлари ушбу ташкилотлар раҳбарлари тақдим қилган маълумотга асосланади. Ҳарбий бўлинмалардан ташқарida истиқомат қилувчи хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари тегишли УСК рўйхатларига киритилган эди.

³³ УСК қарорлари ва ушбу қарорларга қарши апелляция тегишли туман судига 24 соат мобайнида топширилиши лозим, сайловга бир кун қолганда ёки сайлов куни топширилган шикоятлар эса зудлик билан кўриб чиқилиши шарт.

³⁴ Тасдиқлаш жараёнидан аввал МСК, Давлат статистика қўмитаси маълумотига асосланган ҳолда, мамлакат ҳудудидаги сайловчилар сони тахминан 21 435 009 кишини ташкил этишини таъкидлади.

³⁵ МСК 739-сон қарорига мувофиқ, сайловчини рўйхатга олган УСК ушбу сайловчи доимий яшайдиган УСКга уни сайловчилар рўйхатидан чиқариб ташлаш зарурлиги тўғрисидаги ахборотни етказиш чораларини кўради. Намунавий амалияёт кодекси I.1.2.iv-бандида шундай дейилган: “рўйхатдан ўтмаган сайловчини рўйхатдан ўтказиш бўйича маъмурий тартиб-коида (суд назорати остида) ёки суд тартиб-коидаси бўлиши лозим; сайлов куни сайлов участкасида рўйхатдан ўтказиш амалга оширилмаслиги лозим”.

маълум қилди, зеро 2000 йилдан эмиграция қилган фуқаролар сони камида бир миллионни ташкил қиласди.³⁶

VII. НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, ўзбек тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон худудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар, ўзларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги муносабати билан қонун томонидан таъқиб этилаётган фуқаролар, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг професионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар. Номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши мумкин, мустақил номзодларга эса йўл қўйилмайди.³⁷ Яшаш муддати ва тил билиш мезонлари, шунингдек жинояти учун судланган ҳар кимга батамом чеклов қўйиш, халқаро мажбурият ва стандартларга тўғри келмайди.³⁸ Боз устига, суд олдида ҳали жавоб бермаган шахсларни истисно қилиш айбсизлик презумпцияси тамойилига қарама-қаршидир.³⁹

Сайланиши ҳуқуқига нисбатан қўйилган, EXХТ мажбуриятлари ва бошқа халқаро стандартларга зид чекловлар қонунчиликдан чиқарилиши лозим. Мустақил номзодлар Президентликка сайланиши имкониятига эга бўлиши лозим.

Партия қуултойини ўтказгандан сўнг, рўйхатдан ўтган сиёсий партия бир номзодни кўрсатиши мумкин.⁴⁰ Номзодни рўйхатдан ўтказиши аризаси номзод фойдасига берилган имзоларни ҳам ўз ичига олиши шарт.⁴¹ Ижобийси шуки, EXХТ/ДИИХБ берган бурунги тавсияларига риоя килган ҳолда, зарур имзолар сони жами сайловчиларнинг беш фоизидан бир фоизигача камайтирилиб, Президентликка номзод бўлиш йўлидаги бир тўсиқ олиб

³⁶ Давлат статистика қўмитаси хабар беришича.

³⁷ 1990 йилги EXХТ Копенгаген ҳужжати 7.3 ва 7.5-бандларига кўра, аъзо давлатлар фуқароларга, ҳар қандай дискриминациядан ҳоли, сайлаш ҳуқуки тенглигини ҳамда сиёсий ёки давлат мансабига якка тартибда ёки сиёсий партия вакиллари сифатида даъвогарлик қилиш ҳуқуқини кафолатлади. ФСҲХП 25(б)-моддасида “ҳар бир фуқаро 2-моддада белгиланган ҳар қандай мезон ва бирорта асоссиз чекловлардан ҳоли қўйидаги ҳуқук ва имкониятга эга бўлади: б) сайлаш ва сайланиши” деб ёзилган. 2002 йилги МДҲ Конвенцияси 3.4-моддасида “ҳар бир фуқарога сайловда ўз номзодини кўрсата олиши учун тенг ҳуқуқий имкониятлар тақдим қилиниши шарт”.

³⁸ ФСҲХП 25-сон Умумий изоҳининг 25-моддаси 15-бандида “сайловда қатнашиш ҳуқуқига қўйилган ҳар қандай чеклов ... объектив ва мулоҳозали мезонларга таянган ҳолда асослантирилиши шарт. Акс ҳолда сайловда қатнаша оладиган инсонлар маълумот, тураг жой ... каби сабабсиз ёки камситувчи талаблар туфайли истисно қилинмасликлари лозим” деб белгиланган. Намунавий амалиёт кодекси I.1.1.1.d.iii-бандига кўра, бирон шахс сайланиш ҳукувидан маҳрум қилинаётганда мутаносиблик тамойилига риоя қилиниши шарт. 2002 йилги МДҲ Конвенцияси 2(б)-моддасида “Жинси, тили, дини, эътиқоди, сиёсий ёки бошқа қарашлари асосидаги камситувлардан ҳоли ... фуқарога сайлаш ва сайланиш ҳуқуки берилиши лозим” деб таъкидланган. 1990 йилги EXХТ Копенгаген ҳужжати 24-бандига кўра, ҳуқукларга қўйилган ҳар қандай чекловлар “қонун мақсадига қатъий равишда мутаносиб бўлиши шарт”.

³⁹ 1990 йилги EXХТ Копенгаген ҳужжати 5.19-бандида “қонунг мувофиқ айбдор деб топилмагунча, ҳар ким айбсиз деб ҳисобланади” деб белгиланган.

⁴⁰ Сиёсий партия сайлов эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Адлия вазирлигига, МСКда эса камида 70 кун олдин рўйхатдан ўтган бўлиши керак.

⁴¹ Шу билан бирга, партиялар номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги қуултой қарори, ушбу қарорни тасдиқловчи партия қуултойи баённомаси, номзоднинг партия гувоҳномаси, унинг шахсий маълумотлари ва номзодликка ёзма розилиги топширилади.

қўйилди.⁴² ЕХХТ/ДИИХБ томонидан илгари берилган тавсияга қарамасдан, сайловчилар фақат битта истиқболли номзод фойдасига имзо бериши мумкин эди. Бу ҳол сиёсий плюрализмга салбий таъсир кўрсатади ва халқаро намунавий амалиётга тўғри келмайди.⁴³

МСК қўйидаги тўрт нафар, яъни рўйхатдан ўтган тўрт сиёсий партиядан биттадан, истиқболли номзодларни рўйхатга олди: Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан (ЎзЛиДеП) Шавкат Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан (ЎХДП) Ҳатамжон Кетмонов, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Наримон Умаров ва Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Сарвар Отамуратов.

VIII. САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ

Расмий сайлов кампанияси 30 октябрда бошланиб, 2 декабрь тун ярмида тугади. Кампания ниҳоятда тартибга солинган заминда ҳамда бирлашиш, фикр билдириш ва йиғилиш фундаментал эркинликларига чекловлар қўйиш муҳитида ўтдики, бу ҳол демократик сайловлар ўтказиш учун ижтимоий маконни сезиларли даражада кичрайтириди.⁴⁴ Айниқса, жамоат йиғилишига рухсатни бир ой олдин олиш талаби йиғилиш эркинлигини ғоятда чеклади.⁴⁵

Электорат йигилиши ҳуқуқидан сайлов пайтида, шунингдек сайловдан олдин ва кейин ҳам, фойдалана олиши лозим. Қонунни шундай ўзгартириши лозимки, рухсат берииш тартиби ўрнига шунчаки хабардор қилиши талаб қилинсин.

Кампания унча кўзга кўринарли бўлмади ва, асосан, биллборд, плакат ва сайловчилар билан бир қатор юзаки учрашувлар орқали амалга оширилди; ҳақиқатдан ҳам кўча намойишлари, эшикма-эшик юриб тарғибот қилиш ёки кичикроқ тўпланишлар бўлмади. Кампания тўртта номзоднинг материал ва тадбирлари яққол ўхшашлилиги билан жиҳатланди. Сайлов ташкилотчилари ҳар бир номзодга 642 та биллборд ва 36 нафар электрон монитордан тенг фойдаланиш имкониятини тақдим қилиб, плакатларда номзод тўғрисида стандарт маълумот тўплами намойиш килинди.⁴⁶ Тўртта партия ўхшаш турдаги кампания материалларини ишлаб чиқаришга қарор қилди. Ҳар бир партия умумий бетлари сони бир хил бўлган дастур буклетларини босиб чиқарди; буклетининг бети кўпроқ бўлган номзодлар камроқ нусха чоп этдилар.

⁴² Партия томонидан тақдим этиладиган имзо ва рақалари сайловчилар умумий сонининг камидаги 1 фоизини, 14 та маъмурий-худудий тузилмада 8 тасининг намояндаси бўлган, таҳминан 214 000 та сайловчининг имзосини қамраб олган бўлиши керак эди. Шунингдек, маъмурий-худудий тузилмалардан бирида партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин. Имзоларни тўплаш иш, хизмат, ўқиш ва тураг жойларда ҳамда тарғибот ва имзо тўплаш ишлари қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга ошириш мумкин эди. Ҳамма номзодлар барча 14 маъмурий-худудий тузилмадан имзо тўплашди.

⁴³ [2010 йилги ЕХХТ/ДИИХБ билан Европа Кенгаши қабул килган Венеция комиссиясининг Сиёсий партиялар йўрикномаси](#) 77-бандида “плюрализм ва бирлашиш эркинлигини кенгайтириш мақсадида қонунчилик фуқаронинг қўллаб-қувватлаш варакасига имзо қўйишини фақат бир сиёсий партия билан чегарамаслиги лозим” деб ёзилган.

⁴⁴ ФСХХП 25-сон Умумий изоҳининг 25-моддаси 12-бандида “фикр билдириш, йиғилиш ва бирлашиш эркинликлари сайлаш ҳуқуқини амалга ошириш учун муҳим шароит бўлиб, ... улар тўла-тўқис муҳофаза қилишини шарт” деб ёритилган.

⁴⁵ 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген ҳужжати 9.2-бандига мувофиқ, “ҳар ким тинч йиғилиш ва намойиш ўтказиш ҳуқуқига эгадир”. Кўшимча сифатида қаранг: 2010 йилги [ЕХХТ/ДИИХБ билан Европа Кенгаши қабул килган Венеция комиссиясининг Тинч йиғилиш ўтказиш эркинлиги йўрикномаси](#) 1181-121 бандлари.

⁴⁶ Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳар бир номзод тарғибот кампанияси учун кўшимча 25 та биллборд ажратишга қарор килди.

Номзодлар сайловчилар билан ўтказган учрашувлар сони ўлчовдош бўлди: ҳар бир маъмурий ҳудудда биттадан, гарчи уларнинг ишончли вакиллари кўпроқ учрашув ўтказдилар.⁴⁷ Булар сайлов ташкилотчилари ёрдамида ташкил қилиниб, одатда факат таклифнома асосида иштирок этиш мумкин эди.⁴⁸ Бундай учрашувлар кенгроқ аудиторияни қамраб олиш учун илк бор улар жонли равища теле-алоқа орқали ҳар бир вилоятга узатилди. ЕХХТ/ДИИХБ СКМ номзодлар ўз партия дастурлари билан чиккан ва аксарият ҳолларда олиндан тайёрланган саволларга жавоб берган ушбу жозибасиз кўп сонли тадбирларда “уюширилганлик” ва юзакилик жиҳатлари борлигини қайд этди.⁴⁹ 2003 йилдан Бош вазир лавозимида хизмат қилган ва Президент вазифасини бажараётган ЎзЛиДеп номзоди ўтказган кампания жўшқинроқ ва аниқ сиёсий таклифларга бой бўлди.⁵⁰ Сайлов кунига бир ҳафта қолганида номзодлар тадбир уюширишни тўхтатдилар.

Номзодлар ўртасида баҳс-мунозара тартиби 2015 йилда жорий қилинган бўлсада, номзодлар халойиқ олидида муҳокама қилишни истамай, одатдагидек бир-бирларининг дастурлари ёки хизмат рўйхатларини таққослашга ҳам қизиқмадилар. Ўз маърузаларида номзодлар хукумат ёки давлат сиёсатини танқид қилишдан ўзларини тийдилар.⁵¹ Сайловда тўрт нафар номзод иштирок этаётганига қарамай, кампанияга мусобақа руҳи етишмади ва сайловчиларда ҳақиқий сиёсий муқобил танлов қилиш имконияти йўқ эди.

Тўртта партия фуқаролар аризалари учун қабулхоналар фаолиятини юритди, бироқ ЎзЛиДеп номзоди Бош вазир веб-сайтидан фойданиб, халқни турли воситалар, жумладан ЎзЛиДеп филиаллари, орқали шикоятлар билан мурожаат қилишга ундаи.⁵² Пировардида, у айrim муаммолар давлат ташкилотлари томонидан ҳал қилинаётганини акс эттирган “Фейсбук” (Facebook) веб-саҳифаси ёрдамида кўпроқ эътибор қозонди.⁵³ Гарчи амалдорлар барча номзодлар тадбирларида иштирок этган бўлса, ЎзЛиДеп номзодига келганда бу нарсага айниқса урғу берилди.⁵⁴ Бундан ташқари, мисли кўрилмаган давлат ҳокимияти ўтиш жараёни давомида кампания диққат марказида давомийлик в барқарорлик масалалари тургани ЎзЛиДеп номзодига наф келтирди. Бундай ҳолатлар 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген ҳужжати 5.4-бандини бузган ҳолда партия билан давлат ўртасидаги чегарани ўчириб юборади.⁵⁵

⁴⁷ Сайловолди ташқивотга ёрдам бериш максадида ҳар бир номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақли эди. Номзодларнинг аксарияти 14 нафар (ҳар бир вилоятга биттадан) вакил танлади.

⁴⁸ ЕХХТ/ДИИХБ СКМ томонидан Жиззах, Наманган, Навоий ва Самарқанд вилоятларида, шунингдек Коракалпогистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида кузатилди.

⁴⁹ ЕХХТ/ДИИХБ СКМ томонидан Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Самарқанд вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида кузатилди. Кузатувчиларнинг бир нечта жамоаси вилоят ва маҳаллий аҳолисига тўғридан-тўғри таъсир этувчи энг долзарб муаммолар ташвиқот маърузаларида тилга олинмаганини кузатди.

⁵⁰ Айrim ҳолларда бошқа номзодларнинг учрашувлари ҳам ёрқин ўтганлиги кузатилди. Мисол учун, Бухорода “Адолат”, Фарғонада “Миллий тикланиш” ва Қаршида “ЎҲДП” ўтказган учрашувлар.

⁵¹ Номзодлар сайловолди кампания доирасида етказадиган ахборотлари бир қатор хукукий чекловларга дуч келиши мумкин.

⁵² «Интернейшнл крайсиз груп» (International Crisis Group) 25 сентябрда очилган қабулхонага биринчи уч ҳафта ичida 50 мингга яқин мурожаатлар келиб тушгани ҳақида хабар берди.

⁵³ 24 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда ЎзЛиДеп номзоди 170 мингдан зиёд шикоятлар келиб тушганини ва шулардан қарийиб 70 фоизи ҳал бўлгани ҳақида таъкидлadi.

⁵⁴ ЎзЛиДеп 24 ноябрда Тошкент шаҳрида ўтказган тадбирида бир нечта хукумат вакиллари, вилоят ва шаҳар раҳбарлари, диний жамоалар етакчилари, миллий маданият марказлари раҳбарлари, таникли санъаткор ва спортчилар қатнашдилар.

⁵⁵ 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген ҳужжати 5.4-банди “давлат билан сиёсий партиялар ўртасида аниқ бўлинишни, хусусан, сиёсий партиялар давлат билан кўшилиб кетмаслигини” талаб қилади.

Номзодлар сайлов мақсадлари йўлида мансаблари ҳавола этган афзалликлардан фойдаланишини олдини олиш учун давлат ва партия ўртасида аниқ бўлинши механизмини амалга ошириши лозим. Шунингдек, амал ресурсларини суисстеъмол қилишига қарши самарали санкция механизмини ишлаб чиқши лозим.

Маҳалла вакиллари каби, давлат қўллаб-кувватлайдиган бир нечта жамоат ташкилоти, жумладан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, сайловда иштирок этиш кампанияларини олиб борди.⁵⁶ Ўз маърузаларида бир қанча номзод аёл сайловчиларга эътибор қаратди ва, умуман олганда, ЕХХТ/ДИИХБ СКМ кузатган 31 та кампания тадбирларида аёллар иштироки дуруст бўлди. Учта номзод рўйхатдан ўтказган ишончли вакиллар орасида озроқ аёллар бор эди. ЎзЛиДеп номзодида аёл ишончли вакил йўқ эди.⁵⁷

IX. КАМПАНИЯ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ

Партия ва кампания молиявий таъминоти “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун, “ПС” қонуни ва МСК қарорлари билан тартибга солинади.⁵⁸ Парламентдаги сиёсий партияларга бериладиган йиллик давлат маблағлари бўлиб ўтган парламент сайловларида қўлга кириган овозларига мутаносиб равишда таксимланади.⁵⁹ Шунингдек, улар фуқаролар ва Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган юридик шахслардан хайрия ёрдамини олиши мумкин. Бир фуқаро ёки юридик шахс бир йил мобайнода бера оладиган хайрия ёрдами суммаси 750 миллион сўмдан (220 минг евро) ошмаслиги лозим.⁶⁰ Хориж ёки номаълум манбалардан, халқаро, давлат ва диний ташкилотлардан хайрия берилишига йўл қўйилмайди.

Сайлов йили номзодларни кўрсатаётган партияларга сайловолди ташвиқоти учун қўшимча давлат маблағлари ажратилади. Ҳар бир партияга тахминан 1 миллиард сўм (294 минг евро), учрашувлар учун бепул жой, кампания материаллари учун жой ва ОАВда ёритилиш учун вақт тақдим қилинади. Партия ёки номзодлар кампаниясини хусусий тартибда молиялаштиришга йўл қўйилмайди; бу ҳол сайловчининг ёқтирган номзодини молиявий қўллаб-кувватлаш имкониятига ўринсиз чеклашдир.⁶¹ Ўрнига, хусусий маблағлар номзодлар ўртасида тенг тақсимланиши учун МСКга хайрия қилиниши мумкин. Ушбу сайлов давомида бундай маблағлар хайрия қилинмади.

⁵⁶ ЕХХТ/ДИИХБ СКМ томонидан Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган ва Тошкент вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида кузатилди.

⁵⁷ ЎХДП номзоди рўйхатга олган 15 нафар ишончли вакил орасида 3 таси аёл эди. “Миллий тикланиш” номзоди 4 та, “Адолат” номзоди эса 5 та аёлни ишончли вакил сифатида рўйхатдан ўтказди.

⁵⁸ Шу билан бирга, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун сиёсий партиялар йиллик молиявий таъминотини ҳамда парламент сайловлари кампанияси учун уларга молия ажратишни тартибга солади.

⁵⁹ Сиёсий партияларни молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажми белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизини ўтган парламент сайловларида қатнашган сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўпайтмаси микдорида шакллантирилди, яъни тахминан 19 миллион еврога тенг деярли 63 миллиард сўм. Бу маблағлар тўртта сиёсий партиялар ўртасида уларнинг парламентдаги депутатлик ўринлари микдорига мутаносиб равишда тақсимланди. Расмий айирбошлаш курсига кўра, 1 евро тахминан 3 400 сўмга teng. Бу курс бозор курсидан 3 баравар пастдир.

⁶⁰ Қонунга мувофиқ, бир фуқаро кўрсата оладиган хайрия ёрдами суммаси белгиланган энг кам иш ҳақининг беш юз бараваридан ошмаслиги лозим.

⁶¹ Сиёсий партия ва сайлов кампанияларини молиялаштиришда коррупцияга қарши курашиш умумий коидалари бўйича аъзо давлатлар учун Европа вазирлар кенгаши тавсияларининг 1-моддасида шундай дейилган: “давлат ва унинг фуқаролари сиёсий партияларни қўллаб-кувватлиш хуқуқига эга”. Қаранг: хусусий молиявий ёрдамга тегишли 2010 йилги ЕХХТ/ДИИХБ билан Европа Кенгаши қабул қилган Венеция комиссиясининг Сиёсий партиялар йўриқномаси 170-банди.

Ёқтирган номзодини қўллаб-қувватлашга йўл очиб берииш учун номзод кампаниясига тўғридан-тўғри хусусий маблағ ажратишга руҳсат берииш устида бош қотириши лозим.

Сиёсий партия ҳар йили Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида молиявий ҳисобот тақдим этиши талаб қилинади. Назорат органлари хulosадари эълон қилинмайди. Хulosалар ҳам, партия йиллик ҳисоботлари ҳам парламент Қонун чиқарувчи палатасига тақдим қилинади. Ўз навбатида Қонун чиқарувчи палата ҳужжатларни таклиф қилинган ОАВ ва манфаатдор ташкилотлар иштирокига ўтадиган очик мажлисда кўриб чиқади.

Партиялар сайлов натижалари маълум қилинган кундан бошлаб бир ой ичida кампания учун олинган молия ҳақида ўз газета ва веб-сайтларида эълон қилишлари талаб қилинади. Шунингдек, сайлов натижалари маълум қилингандан сўнг, партиялар 20 кун мобайнида белгиланган андозага мослаб сайловолди ҳаражат ҳисоботларини МСКга топширишлари талаб қилинади. Ушбу ҳисоботларни эълон қилиш талаб қилинмайди. Сайлов натижалари маълум қилингандан сўнг, МСК 50 кун ичida Ҳисоб палатасига сайлов ва сайловолди ташвиқотларни бошқаришга сарфланган ҳаражатлар тўғрисида маълумот тақдим қилиши керак. Партиялардан ўз ҳаражатларини, МСК ва Ҳисоб палатасидан эса ўз хulosаларини эълон қилиш талаб этилмаслиги кампания молиявий таъмоноти шаффоғлигига салбий таъсир кўрсатади.⁶²

Шаффоғликни ошириши мақсадида кампания кирим-чиқимлари тўғрисида даврий, ўз вақтида ва шаффоғ тарзда, шу жумладан сайлов кунигача ҳам, ҳисобот бериишининг қонуний талаблари устида бош қоритиши лозим. Шунингдек, назорат қилувчи органларидан ўз ҳисоботларини эълон қилиши талаб этилиши лозим. Кампания молиявий қоидаларини бузганга самарали, мутаносиб ва бундай фикрдан қайтарувчи санкциялар жорий қилинини мумкин.

X. ОАВ

A. ОАВ муҳити

Фикр билдириш эркинлиги ва маълумотга эга бўлиш хуқуқи Конституция муҳофазасидадир, лекин улар таърифи кенг бўлган жиноятларни, жумладан, тухмат, ҳақорат ва фийбатни, ўз ичига олган бирламчи қонунчилик билан чекланади. Ушбу таърифлар онлайн ахборотга ҳам тегишилдири. ОАВ тарқатилган ахборот “тўғрилиги” юзасидан жавобгарликка тортилар экан, бу ҳол уларни кампанияларни тўла ва астойдил ёритишдан маҳрум қилиши мумкин. Боз устига, воситачилар уларнинг платформалари орқали учинчи шахслар тарқатган ахборот учун жавоб берадилар; ваҳоланки, бу ҳолат аъзо давлатларга ЕХХТ ОАВ эркинлиги масалалари бўйича вакили (ЭМВ) томонидан берилган тавсияларга зид.⁶³

⁶² 2010 йилги ЕХХТ/ДИИХБ билан Европа Кенгashi қабул қилган Венеция комиссиясининг Сиёсий партиялар йўрикномаси 198 ва 205-бандлари шундай тавсия беради: “сиёсий партиялардан сайлов даврида уларга ва уларнинг номзодларига тўғридан-тўғри ва натура кўринишдаги берилган ёрдамлар ҳисоби юритилишини талаб қилиш лозим. Бундай ҳисоб-китоб жамоат эътиборига олиб чиқилиши ва олдиндан белгилаб берилган микдорда бўлмоғи лозим”.

⁶³ [ЭМВ 2016 йил 29 январдаги 1/2016-сон Коммюникесига](#) қуйидагини қайд этади: “Маълумотларни ўчириш ва воситачилар жавобгарлиги тўғрисидаги ортиқча ва номутаносиб қонун-қоидалар хусусий секторга тартибга солиш ва ҳакамлик қилиш функциялари ўтиб кетиш хавфини юзага келтиради. Бунга йўл қўйиш мумкин эмас”.

Сайлов пайтида номзодлар обрўсини муҳофаза этувчи ҳақоратлаши тўғрисидаги жиноий қоидалар, шунингдек таҳқирлаш, гийбат ва ёлғон ахборот тарқатишини тартибга соладиган умумий қоидалар бекор қилиниб, ўрнига фуқаролик ҳуқуқининг оқилона ва мутаносиб санкциялари қабул қилиншиши лозим.

Бундан ташқари, онлайн ва оффлайн ОАВ фаолиятини лицензиялашни тартибга солувчи бирламчи қонунчилик равшанликдан йирокдир. ОАВ устидан мониторинг ва назоратни амалга оширувчи бир нечта давлат тасарруфидаги корхоналар мавжуд бўлиб, умуман олганда, давлат номидан харакат қилувчилар танқидий ахборот, жумладан интернетда, нашр қилинишига қарши жазо беришда етакчи рол ўйнайди.⁶⁴

Рахбари Президент томонидан тайинланадиган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ЎзАПИ) таърифи кенг асосларга кўра ОАВ фаолиятини тўхтатиб туриш ташаббусини илгари суриши мумкин. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига (АТКРВ) эса онлайн ОАВ ва ахборот технологиялари устидан давлат текширувани консолидация қилиш кўрсатмаси берилган. Бундан ташқари, Мониторинг маркази ва Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси мавжуд бўлиб, иккала ташкилот онлайн ва оффлайн маълумотларни таҳлил қилиш билан шуғулланади, лекин уларнинг қандай шаклланган ва бошқарилаётгани аниқ эмас. Ушбу ташкилотлар тузилиши очиқ маълумот сирага кирмайди, уларнинг ҳисобдорлик механизми ҳам номаълум. Шундай экан, тизимда бу ташкилотларга нисбатан маъмурий ваколатни сустеъмол қилишга қарши хавфсизлик чоралари йўқ. ЕХХТ/ДИИХБ СКМ сухбатдошлари маълумотларни тўсиш ва/ёки ўчиришни на қайси ташкилотлар талаб қила олишини, на бунинг тартиб-қоидасини ойдинлаштира олдилар. Қонунчилик базаси ва уни амалга ошириш ўзини ўзи цензура остига қўйиш муҳити шаклланишини қўзғатади, шу жумладан интернетда ҳам, ва фикр билдириш эркинликлари халқаро стандартларига, айниқса ФСҲХП 19-моддасига, тўғри келмайди.⁶⁵

ОАВ фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари рўйхатга олишини рад этиши, фаолиятни тўхтатиб туриши ва ахборотни ўчириши мезонларини аниқ ва тугал қилиб белгилаши лозим. Интернет тармоғидаги миллий ва халқаро ОАВларни ёпишини мустақил назорат органи белгилаши ҳамда бу изчил ва шаффоғ тарзда амалга ошириши лозим. Бундай қарорларнинг барчаси халқ эътиборига ҳавола қилиншиши лозим.

Блоглар каби ахборот тарқатувчи онлайн платформаларни ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказиши талаби бекор қилиниб, онлайн мулоқотни тартибга солувчи қонунчиликни тегишили халқаро стандартларга мослаштириши лозим.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (МТРК) давлат назорати остидаги ахборот агентликлари тайёрлаган янгиликларни қайта узатиб, сиёсий янгиликларнинг бирламчи

⁶⁴ 20 майда Тошкент хўжалик суди Ўзбекистоннинг энг қадимги газеталаридан бирининг (“Новый век” газетасининг) лицензиясини, кўпчилик фикрича, воқеаларни мувозанатли ёритгани учун олиб қўйди. ЎзАПИ газета тўрт хил қонунни кетма-кет равишда бузганлигини таъкидлади. Жиззаҳлик маҳаллий журналист 2015 йил ноябрда Би-Би-Сига интервью бергани учун 2 ой қамоққа ҳукм қилинди.

⁶⁵ ФСҲХП 19-моддасига 2011 йилда берилган 34-сон Умумий изоҳининг 13-бандида “эркин, цензурадан холи ва озод ОАВлари ... ҳар қандай жамиятда фикр билдириш эркинлиги ва Пактнинг колган ҳукуқларидан фойдаланиш учун муҳимдир” деб ёзилган. 43-бандда шундай дейилган: “веб-сайт, блоглар ва интернетда жойлаштирилган ҳар қандай ахборот тарқатиш тизимиға чеклов қўйиш ... факат 3-банд мувофиқлик доирасида мумкин”.

манбаси ҳисобланади.⁶⁶ Хусусий республика ва вилоят ОАВлари айни шу агентликлар маълумотларига таянади. Оқибатда ахборот баёни давлат томонидан таърифланган ва ўзини ўзи такрорлайдиган бўлиб чиқади.⁶⁷ Интернетдаги айрим ахборот сайтлари ички воқеаларни, шу жумладан сайловни, ёритишдаги анъанавий ОАВнинг саралаш ёндашувига қарши чиқиб кўришди. Бироқ, бундай веб-сайтлар барчаси хориждан фаолият юритаётгани ва ўз ҳикояларида асосан фуқаролик журнализмига таянгани боис, улар фактларни холис ва таҳририй текшира олмайдилар. Халқаро ОАВ Ўзбекистонда фаолият юритиш учун аккредитациядан ўтмаган. Қувғиндаги ўзбек журналистлари томонидан юритилаётган янгилик сайтларига ҳамда таҳлилий ва танқидий маълумот юкландиган кўплаб ҳалқаро веб-сайтларга кириш ёпиб қўйилган.⁶⁸ Демак, Ўзбекистонда 1 400 тадан зиёд ОАВ фаолият олиб бораётган бўлса ҳам, сайловчилар муқобил нуқтаи назардан анча четлаштирилган.

В. Ҳуқуқий пойдевор

“ПС” қонуни ва МСК қарорлари сайловолди кампаниясини ёритиш шакли ва мундарижасини қатъий тайинлаб, Президентликка номзодларга тенг вақт ажратиш мажбуриятни ҳам давлат, ҳам хусусий ОАВларга белгилади. МСК қарори ҳар бир номзодга анчагина бепул эфир вақти ва нашр майдонини республика ва вилоят давлат ОАВлари орқали тақдим этди.⁶⁹ Шу билан бирга, номзодлар эфир вақти ва нашр майдонини тенг асосда сотиб олишлари мумкин эди. Номзоднинг қадр-кимматини камситиш 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланадиган жиноят ҳисобланади.⁷⁰ ОАВ қоидага риоя қилишини республика даражасида МСК, вилоят даражасида эса ОСК назорат қилди. АТКРВ ва ЎзАПИ ахборот мундарижаларини мониторинг қилди. ЕХХТ/ДИИХБ СКМга на мониторинг жойига ташриф буюришга рухсат, на АТКРВ ва ЎзАПИ қўллаётган методологияга баҳо бериш имконияти берилди.

С. ОАВ мониторинги хуносалари

ЕХХТ/ДИИХБ СКМ республика ва вилоят миқёсидаги бир қанча ОАВларини кузатди.⁷¹ Мониторинг қилинган тижорат ОАВлари тўрттала сиёсий партияга айни бир эфир вақти ва нашр майдонини сотди – “УзРепорт ТВ” телеканалида ҳар бир партияга 37 дақиқа ва

⁶⁶ МТРК раҳбари Президент томонидан тайинланади, вилоят пойтахтларида ўз идоралариға ҳамда белгиланган аудитория ва тематик йўналишга эга 26 та телерадиокомпанияга эга.

⁶⁷ ЕХХТ/ДИИХБ СКМнинг барча узоқ муддатли кузатувчилари маҳаллий ОАВ давлат ахборот агентликлари хукмронлигига бўлиб, давлат институтлари ва давлат кўллаб-кувватлайдиган жамоат бирлашмалари тақдим қилган ахборотга айниқса таянгани ҳақида хабар бердилар.

⁶⁸ Мисол учун, кириб бўлмайдиган веб-сайтлар қаторига Би-Би-Си Ўзбек хизмати, Озодлик Европа радиоси Ўзбек хизмати ва “Евросиёнет”. ЕХХТ/ДИИХБ СКМнинг назорат органларида ишловчи сухбатдошлари веб-сайтни ёпиш учун қўлланиладиган тартиб ва мезонларни ойдинлаштиромадилар. Ёпилган веб-сайтлар умумий сони ҳамда маълумотларни ўчириб ташлаш ҳолатлари овоза қилинмайди.

⁶⁹ МСК 764-сон қарори номзодларга давлат ОАВларида бепул эфир вақти ва нашр майдонини берилиш тартибини ўрнатди. Ҳар бир номзодга ҳар куни 2 та республика давлат телеканалида тахминан 1 соат ва 13 та маҳаллий давлат телеканалида тахминан 8 соат бепул эфир вақти ажратилди. Реклама учун ажратилган ҳар кунги бепул нашр майдони 5 та республика ва 30 вилоят газеталари ўртасига баб-баравар тақсимланди.

⁷⁰ ФСҲХП 19-моддасига 2011 йилда берилган 34-сон Умумий изохининг 47-бандида “ҳақорат тўғрисидаги қонунлар эҳтиёткорлик билан тузилиши керакки, улар амалда фикр билдириш эркинлигини сиқмаслиги лозим ... Аъзо давлатлар ҳақоратни жиноят сирасидан чиқариш ҳақида мулоҳаза қилиши ҳамда, нима бўлганда ҳам, жиноий хукуқ чораларини қўллашгга фақат ниҳоятда жиддий ҳолатларда йўл қўйилиши лозим, озодликдан маҳрум қилиш эса асло мутаносиб жазо эмас” деб ёзилган.

⁷¹ Прайм-тайм соатлари давомида мониторинг қилинган ОАВ қаторидан “Ўзбекистон”, “Ёшлар” ва “Тошкент” давлат телеканаллари, “УзРепорт ТВ” хусусий телеканали, “Ўзбекистон” давлат радиоси, “Народное слово”, “Правда Востока” ва “Халқ сўзи” давлат газеталари, “Дарракчи” тижорат газетаси жой олди.

“Даракчи” газетасида “Миллий тикланиш”, ЎзЛиДеP ва “Адолат” партияларига 4 тадан саҳифа сотилди.⁷² Тенглик тамойилига қатъий риоя бепул эфир вақти тақсимланишида ҳам кузатилди, яъни мониторинг даврида ҳар бир номзодга “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” телеканалида МСК белгилаб берган айни 5 соат ва 15 минут тақдим қилинди. Кузатилган барча ОАВларда бепул ва пуллик сайловолди ташвиқоти рекламасига ажратилган вақт таҳририй мундарижадан сезиларли даражада оширилгани намоён бўлди.⁷³ Бундан ташқари, босма ОАВларда бепул сиёсий реклама янгиликларга ажратилган нашр майдонидан ошди.⁷⁴ Тилга олинган бирорта пуллик ёки бепул материалларда номзодлар рақиб нуқтаи назарига қарши чиқмадилар.

Плюрализм йўқлиги таҳририй дастурларда яна ҳам яққол намоён бўлди. Давлат ва етакчи хусусий ОАВлари МСК билан мажбурий шартномалар имзолаб, шу аснода таҳририй дастурларда сайловолди ташвиқоти бир хил ёритилишига янги куч бағишилади. Вилоят миқёсида ОСК номзодлар кампанияларини ёритишда тўлиқ тенгликка риоя қилиш мажбуриятини юклаш орқали маҳаллий ОАВлари сайлов ёритишини назорат қилиб борди.⁷⁵ Сайлов ташкилотчилари ОАВларини давлат қўллаб-қувватлайдиган жамоат бирлашмалари уюштирган сайловчилар хабардорлик кампанияларини ҳам ёритишга мажбуруладилар.⁷⁶

Номзодлар сайловолди ташвиқоти тўғрисида бир хил ва тақрорланувчи ахборотларни эфирга узатиш орқали миллий телерадиокомпания янгиликлар тарқатувчи бўғинларининг воқеаларни формалистик тенг ёритиш тамойилига ёрқин намуна кўрсатди. Мониторинг қилинган барча ОАВ орасида янгилик тарқатувчи бўғинларда ҳар бир номзод сиёсатчиларга бағишиланган умумий вақтнинг 18-22 фоизига эга бўлди. Ҳар бир номзоднинг кўчирма гапи ўз кампания маърузаси билан кескин чегараланиб, ахборот дастурларида сиёсатчиларга кўчирма гап учун ажратилган умумий вақтнинг тахминан 18-25 фоизини ташкил қилди. Барча номзодлар тўғрисида хабар қилинган янгиликлар нуқул ижобий руҳда бўлди. Мониторинг даврида номзодлар сиёсий платформасини танқидий фикрларга йўлиқтирадиган таҳлилий дастур ёки мавзуга оид интервьюлар бўлмади. Боз устига, тўрттала номзод сиёсий платформаси тўғрисида республика ва вилоят босма ОАВларидаги ахборот ўхшаш тузилган чиқди.⁷⁷ Республика бўйлаб ўқувчилар сони энг кўп бўлган “Даракчи” тижорат газетаси номзодларга бирорта таҳририй материал бағишиламади. Оқибатда ОАВ сайловолди кампанияси моҳияти дарҳақиқат жозибасиз бўлганини мустаҳкамлади ва, шу аснода, ҳақиқий рақобат бўлмагани таъкидланди.

ОАВ номзодлар мансаб ютуқлари ҳақида ҳикоя қилишда партия билан давлат ўртасида умумийлик яққол кўриниб турарди, ахир МСК қарори буни ташвикот деб таърифламасди. Бундай ҳикоялар ЎзЛиДеP номзоди устунлигини яна мустаҳкамлади, чунки у давомийлини

⁷² ЎХДП бир дона саҳифани сотиб олди.

⁷³ “Ўзбекистон” телеканалида бепул эфир вақти 40 фоизни, янгиликлар 29 фоизни ташкил этди; “Ёшлар” телеканалида бу кўрсаткич 57 га 29 фоиз бўлди, “Тошкент” телеканалида 50 га 9, “Ўзбекистон” радиоканалида 77 га 12; “УзРепорт ТВ” телеканалида эса эфир вақтининг 20 фоизи reklamaga, 18 фоизи янгиликларга ажратилди.

⁷⁴ “Народное слово” газетасида бепул нашр майдони 54 фоизни, янгиликлар 30 фоизни ташкил этди; “Халқ сўзи” газетасида бу кўрсаткич 56 га 31 фоиз бўлди, “Правда Востока” газетасида 66 га 26.

⁷⁵ Мисол учун, Наманганда босма ОАВлари учун камрок реклама тайёрлаган партияларни ОСК материал сонини кўпайтиришига зўрлади. Нукусда ОСК босма ОАВларни барча партияларга нисбатан бир хил шрифт қўллашга мажбурулади.

⁷⁶ Бундай кампаниялар МСКнинг қатъий бошчилигида мамлакат бўйлаб, қуйидаги уч хил мақсадни кўзлаб аҳолига маърифат тарқатиш учун ўтказилди: муддатидан аввалги Президент сайловлари учун киритилган қонуний ўзгартишлар, сайловчилар иштироқини ошириш ва мамлакат баркарорлигини таъминлашда сайлов жараёни муҳимлигини уқтириш.

⁷⁷ ЕХХТ/ДИИХБ СКМ томонидан Андижон, Бухоро, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё ва Тошкентда кузатилди.

кафолатлаб, олдинги Президент сиёсатини амалга оширишга қодир бўлган ягона номзод сифатида акс эттирилди. Қолган номзодлар, умуман айтганда, сиёсий раҳбар эмас, балки депутатлар сифатида акс эттирилди. Номзодлар меҳнат фаолияти тўғрисидаги хикоялар янгиликлар блокида сиёсий масалаларга ажратилган вактнинг 19 дан 75 гача фоизини эгаллаб, номзодлар давлат хизматидаги фаолиятини танқидий баҳолашдан ҳоли бўлди. Умуман, жамият чинакам сиёсий баҳс-мунозарадан қалқон билан тўсилди ва шу боис сайловчиларнинг хабардорликка таяниб, оқилона танлаш имкониятига путур етказилди.⁷⁸

Ўрта ҳисобда ОАВ прайм-тайм дастурларининг тахминан 8 фоизини аёл сиёсатчиларга бағишилади. Ижобий истисно сифатида “Тошкент” давлат телеканалида бу кўрсатгич 21 фоизни, “УзРепорт ТВ” хусусий телеканалида эса 19 фоизни ташкил этди. Аёл сайловчилар иштирокини тарғибот қилувчи таълим дастурлари яна бир ижобий ҳол бўлди.

XI. ОЗЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ БОШҚА МИЛЛАТЛАР ИШТИРОКИ

Конституция жинс, ирқ, миллат, тил, дин, ижтимоий келиб чиқиш, эътиқод, ижтимоий аҳвол бўйича камситмаган ҳолда ҳаммага тенг хуқуқ ва эркинликларни тақдим қиласи ҳамда бошқа миллат тил, урф-одат ва анъаналарига ҳурматда бўлишни белгилайди. Шунингдек, Конституция парламент, Вазирлар Маҳкамаси ва Конституциявий суддан Қорақалпоғистон вакиллари жой олишини белгилайди.

Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб, аҳолининг тахминан 82,5 фоизини ўзбеклар ташкил қиласи. ЕХХТ/ДИИХБ СКМга Давлат статистика қўмитаси тақдим қилган маълумотга кўра, 2016 йил ҳолатига аҳолининг қолган салмоқли этник гуруҳлари қуидагича: тоҷиклар – 4,7%, қозоқлар – 2,5%, руслар – 2,4% ва қорақалпоқлар – 2%.⁷⁹ Қорақалпоқлар асосан Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қиласи. У ерда ўзбек, туркман ва қозоқ миллати вакиллари сони кўп худудлар ҳам бор.⁸⁰ “Давлат тили тўғрисида”ги қонун билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиб, “тилнинг Қорақалпоғистон Республикасида амал қилишига боғлиқ масалалар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланади” деб ёритилган.

МСК сайловга оид аксариат ахборот материаларини ҳамда сайлов бюллетенини ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида ишлаб чиққани ижобий ҳолат бўлди.⁸¹ Маълум сайлов ҳудудларида кенг тарқалган бошқа тилларда на сайловчилар ахбороти, на сайлов бюллетени босиб чиқарилди. Бу ҳол жойларда жиддий норозилик келтириб чиқармаган бўлса ҳам, бундай амалиёт ЕХХТ мажбуриятлари ва ҳалқаро стандартларга тўғри келмайди.⁸² Республика

⁷⁸ ФСХХП 25-моддасига 2011 йилда берилган 25-сон Умумий изоҳининг 25-бандида “25-модда билан муҳофаза қилинган хукуқлардан тўла фойдаланишни кафолатлаш учун фукаролар, номзодлар ва сайланган вакиллар ўртасида жамият ва сиёсат масалалари тўғрисида ахборот ва гояларнинг эркин алмашинуви катта аҳамият касб этади. Бу жамоат масалалари юзасидан цензура ёки чекловларсиз мулоҳаза юрита оладиган эркин матбуот ва бошқа ОАВларни кўзда тутади” деб ёритилган. ФСХХП 19-моддасига 2011 йилда берилган 34-сон Умумий изоҳининг 13-бандида “Жамиятнинг ҳам ОАВларидан ахборот олиш тегишлича хукуки мавжуд” дейилган.

⁷⁹ Аҳолини расмий рўйхат қилиш сўнги бор 1989 йилда ўтказилган.

⁸⁰ Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра, Қорақалпоғистонда ўзбеклар 39, қорақалпоқлар 36,8, қозоқлар 16,8 ва туркманлар 5,3 фоизни ташкил қиласи.

⁸¹ Ўзбекистонда рус тили расмий мақомга эга эмас.

⁸² 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген ҳужжати 32.5-банди “майда миллатлар категорига кирувчи инсонлар ... ўз она тилида маълумот тарқатиш, унга эга бўлиш ва у билан алмашиб хукукига эга” дейилган. ФСХХП 25-моддасига 2011 йилда берилган 25-сон Умумий изоҳининг 12-бандида “сайлов тўғрисидаги ахборот ва материаллар майда миллат тилларида таъминланиши лозим” деб қайд қилинган.

миқёсидаги давлат газеталари номзодларга ўзбек, рус, тожик ва қозоқ тиллари ташвиқот учун бепул нашр майдонини берди.⁸³

Рус ва қорақалпоқ тилларига қўшимча равшида, сайловчи ахбороти ва сайлов материаларини бошига миллат вакиллари тилларида, айниқса шу миллат вакиллари истиқомат қиласидиган ҳудудларда, тақдим қилиши тўғрисида ўйлаб кўриш лозим.

Жамият қўп миллат вакилларидан иборатлигига қарамай, миллатлараро муносабатлар, интеграция масаласи ва озчиликни ташкил қилувчи бошқа миллатларнинг Ўзбекистон ёки Қорақалпоғистондаги роли на сиёсий платформаларда, на номзодлар маъruzalariда ўз аксини топди. Сайлов жараёнида миллати туфайли камситиш ҳоллари юзага келганини ЕХХТ/ДИИХБ СКМ кузатмади; бу ҳақда миссия хабар ҳам олмади.

XII. ШИКОЯТ ВА АРИЗАЛАР

Сайловга тегишли мунозараларни ҳал этиш механизми бир нечта қонун ва МСК қарорлари билан тартибга солиниб, улар бир қанча камчилик, ноаниқлик ва номувофиқликларга эга.⁸⁴ Умуман олганда, иерархия тизими жорий қилинган, негаки бирон сайлов комиссиясининг қарор, ҳаракат ёки ҳаракатсизлигига қарши шикоят юқори турувчи комиссияга берилиши мумкин. УСК ва ОСК қарорларига аризалар туман судларига, МСК қарорларига аризалар эса Олий судга топширилади.

Қонунга мувофик, ҳар бир фуқаро судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин, МСК эса сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, НДТлар ҳисоботларига қулоқ тутади. УСК ва ОСКларига ким ва қандай масалалар юзасидан шикоят бериши мумкинлиги равshan эмас. Сайлов куни УСК шикоятлар журналини олиб бориши қонун билан талаб қилинмайди ва сайловчи, кузатувчи ва УСК аъзолари сайлов, ҳисоблаш ва натижаларни жадвал шаклига келтириш юзасидан ёзма шикоят бера олиш ёки бера олмасликлари ноаниқdir. Бу ҳалқаро наъмунавий амалиётга мос келмайди, чунки ҳар бир сайловчи сайлов комиссиялари ва судларга сайлов жараёнининг ҳар қандай жиҳати юзасидан шикоят билан мурожаат қилиш хуқуқига эга бўлиши лозим.⁸⁵

Қонун сайлов комиссияларига шикоят ва аризалар топшириш муддатларини белгиламайди. Коидага кўра, сайлов комиссиялари ва судлар томонидан шикоят бўйича қарор уч кун ичida қабул қилиниши керак.⁸⁶ Сайлов кунига 6 кундан кам қолганда топширилган шикоятлар дархол кўриб чиқилиши шарт. Судларга топширилган шикоятлардан фарқли ўлароқ, сайлов комиссияларига топширилган шикоятлар манфаатдор томонлар иштироқида очик мажлис муҳокамасини талаб қилмайди.⁸⁷ МСК сайловни умуман ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги МСК қарори устидан фақат

⁸³ “Народное слово”, “Овози тожик” ва “Нурлы жол” давлат газеталари

⁸⁴ Қонунлар сирасига “ПС” қонуни, “Сайлов” қонуни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг V боби ва “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги қонун киради.

⁸⁵ Намунавий амалиёт кодекси II.3.3.d, II.3.3.f-бандларида “Аризалар органи сайлаш хукуки, шунингдек, сайлов регистри, номзодлар легитимлиги, сайловолди кампанияси коидаларига риоя қилиниши ва сайлов натижалари каби масалар юзасидан ваколатга эга бўлиши лозим” ва “Тегишли сайлов округида рўйхатдан ўтган барча номзод ва сайловчилар ариза бериш хукуқига эга бўлиши лозим. Сайлов натижалари бўйича сайловчилар ариза топшириши учун рационал кворум шарти белгиланиши мумкин” дейилган.

⁸⁶ Ушбу сайлов бўйича МСК қабул қилган қарор УСК ва ОСК шикоятлар юзасидан қарор қабул қилиш муддатини 5 кундан 3 кунга камайтиргани ижобий ҳол бўлди.

⁸⁷ Намунавий амалиёт кодекси II.3.3.h-бандида “Аризачининг иккала тараф иштироқидаги муҳокамага бўлган хукуки муҳофаза қилиниши лозим” деб қайд қилинган.

номзодлар томонидан овоз бериш якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичida Олий судга шикоят қилиниши мумкин. Қонун қайта санаб чиқиш ёки натижани ҳақиқий эмас деб топиш талабини инобатга олмайди ва, шундай экан, сайлов жараёнининг ҳал қилувчи жиҳатлари бўйича халқаро намунавий амалиётга мувофиқ равишда самарали дармон ҳавола қилмайди.⁸⁸

EXХТ/ДИИХБ СКМ сайлов кунида, ундан олдин ёки кейин УСК, ОСК ва судларга ҳеч бир расмий шикоят билан мурожаат қилинганидан хабардор эмас. МСК асосий қисми сайлов бўйича содда саволлардан иборат 129 та мурожаатни (орасида сайловга тегишли бўлмагани 60 та) қабул қилгани ҳақида EXХТ/ДИИХБ СКМни хабардор қилди.⁸⁹ Шунингдек, МСКга 347 та мурожаат телефон орқали тушиб, шулардан 102 таси сайловга тегишли эмасди.⁹⁰ УСК, ОСК ва судларга топширилган шикоятлар бўйича маълумотларни МСК тўпламас экан, унинг бу борада назоратчи роли ўз муҳимлигини йўқотади. МСК қабул қилинган шикоят ва мурожаатларни кўлда тўлдириладиган журналда олиб боради ва мавзуга доир маълумотларни овоза қилмайди. МСК ва Омбудсман сайлов юзасидан шикоят ва мурожаатлар учун ишонч телефонларини жорий қилди. Омбудсман сайлов бўйича 746 та мурожаат телефон орқали келиб тушганини эълон қилди.⁹¹ Умуман олганда, мавжуд шикоят ва аризаларни бошқариш механизми масалани ҳал қилишнинг шаффофф ва масъулиятли тизимини кўзда тутмайди.

Самарали қонуний қаноатлаштиришини таъминлаш мақсадида ҳар бир сайловчи, партия, номзод ва кузатувчи сайлов жараёнининг ҳар қандай жиҳати юзасидан шикоят, шунингдек, қайта санаши ва сайлов натижаларини қайта санаши талаби, билан мурожсаат қилиши учун қонунни ўзгартириши ва бундай шикоятлар учун оқилона муддат белгилари лозим.

XIII. САЙЛОВНИ КУЗАТИШ

EXХТ мажбурияти ва EXХТ/ДИИХБ илгари берган тавсияларига қарамай, қонун фуқаро кузатувини эътиборга олмади.⁹² Бу ҳол сайлов жараёни шаффофлиги ва жамоат ишончини сусайтиради; EXХТ мажбуриятларига тўғри келмайди.

Шаффофликни ошириши мақсадида ва EXХТ мажбуриятларига риоя қилган ҳолда, қонун сайлов жараёнининг барча босқичларида партиявиликдан ҳоли фуқаролик кузатувини аниқ белгилаб берииши лозим.

⁸⁸ Намунавий амалиёт кодекси II.3.3.e.-банди “Коидабузарликлар натижага таъсир кўрсатган ҳолларда ариза органи сайловни ҳақиқий эмас деб топиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Бутун сайлов натижасини ёхуд факат муайян сайлов округи ёки сайлов участкаси натижаларини бекор қилиш имконияти мавжуд бўлиши лозим. Сайлов бекор қилинса, тегишли худудда қайта сайлов эълон қилиш лозим” деб белгилайди.

⁸⁹ 20 таси номзодни кўллаб-куватлаш ва у билан учрашиш, 1 таси вактинчалик прописка билан овоз бериш, 1 таси муддатидан аввал овоз бериш ва 44 таси сайловга тегишли бошқа масалаларга бағищланган эди.

⁹⁰ Жумладан, 53 таси муддатидан аввал овоз бериш, 31 таси вактинчалик прописка билан овоз бериш, 18 таси номзодни кўллаб-куватлаш ва у билан учрашиш, 11 таси мамлакат ташқарида овоз бериш ва 120 таси сайловга тегишли бошқа масалаларга бағищланган эди.

⁹¹ Жумладан, 158 таси сайловолди кампанияси, 141 таси сайловчини рўйхатга олиш, 132 таси муддатидан аввал овоз бериш, 129 таси мобил восита орқали овоз бериш, 84 таси овоз бериш зарур хужжатлар, 61 таси сайловга таклиф қозоги келмагани ва 27 таси “оилавий” овоз бериш масалаларига бағищланган эди.

⁹² Фуқаролик жамиятия шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти (ФЖШММИ) ўзи олиб бораётган сайлов кузатуви фаолияти ҳақида EXХТ/ДИИХБ СКМни хабардор қилди. ФЖШММИ 2003 йилда давлат қўллаб-куватлайдиган бир катор НДТ ва жамоат ташкилотлари томонидан таъсис қилинган; институтнинг 70% бюджети давлат ҳисобидан шаклланади.

Сиёсий партия ва халқаро кузатувчилар сайлов жараёнини барча босқичларда кузатиб, натижалар киритилган баённомадан нусхалар олиши мумкин. Ҳар бир сиёсий партияга ҳар бир сайлов участкасида биттадан кузатувчига эга бўлиш ҳуқуқи берилди. МСК маълумотига кўра, ОСК 37 352 нафар партия вакилини аккредитациядан ўтказди, жумладан ЎзЛиДеП ва “Миллий тикланиш”дан 9 339 та, “Адолат” ва ЎХДПдан 9 337 тадан вакил.

Фақат халқаро кузатувчилар матбуот анжумани ўтказиш ва интервью бериш ҳуқуқига эга. МСК 46 та давлатдан келган 548 нафар халқаро кузатувчини рўйхатга олди.⁹³

XIV. САЙЛОВ КУНИ

Сайлов куни овоз бериш, овозларни санаб чиқиши ва натижаларни жадвал шаклига келтириш чоғида жиддий қоидабузарликлар кузатилди. Сайлов куни ЕХХТ/ДИИХБ СКМ сайлов участкаларнинг 84 тасида очилиш, 833 тасида овоз бериш, 81 тасида овозларни санаб чиқиши жараёнлари ҳамда барча 14 та ОСКларда натижаларни жадвал шаклига келтириш жараёнини кузатди.

Партия кузатувчилари кузатилган сайлов участкаларининг аксариятида ҳозир бўлди. Кузатувчилар сони овоз бериш маҳал кўп бўлиб, участка очилиши, ҳисоблаш ва жадвалга солиш пайтида уларнинг сони нисбатан камроқ бўлди. Бир нечта ҳолатда кузатувчилар сайлов участкаси жойлашган мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаши ҳақида хабар бердилар. Бу ҳол қолган участка комиссия аъзоларига нисбатан уларнинг мустақиллиги юзасидан савол ўйғотиши мумкин эди.⁹⁴ Боз устига, тизимли қоидабузарликларга партия кузатувчилари аксарият ҳолларда суст ва бефарқ бўлгандек туолди.

A. Очилиш ва овоз бериш

Аксарият сайлов участкалари вақтида очилиб, зарур материаллар билан яхши жиҳозланган эди. Кузатувда бўлган 84 та сайлов участкасидан 75 тасида очилиш жараёни ижобий баҳоланди, гарчи кузатилган сайлов участкаларининг деярли ярмида УСК қабул қилинган бюллетенлар сонини эълон қилмаган бўлса ҳам. Жараёнга алоқаси йўқ бегона одамлар 19 та ҳолатда қайд қилинганига қарамай, кузатувчилар фақат 5 та ҳолатда бундай аралашув ҳақида хабар бердилар.

Кузатилган овоз бериш жараёнларининг 12% салбий баҳоланди. Бу қоидабузарликлар салмоқли бўлганидан дарак беради. Кўп карра ва “ваколатли” овоз бериш ушбу ғайриқонуний амалиётга қарши олдиндан МСК кампания ўтказганига қарамай, ЕХХТ/ДИИХБ СКМ кузатувчилари томонидан кузатилган энг кўп тарқалган қоидабузарлик бўлиб чиқди. ЕХХТ/ДИИХБ СКМ кузатувчилари кузатилган сайлов участкаларининг 6 фоизида “ваколатли” овоз бериш гувоҳи бўлишди, кўп карра ёки гуруҳ бўлиб овоз бериш сайлов участкаларининг 3 фоизида кузатилди.⁹⁵

⁹³ Жумладан, ЕХХТ/ДИИХБ, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, МДХ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти миссиялари ва Ўзбекистондаги хорижий давлат, сайлов комиссиялари ва дипломатик миссия вакиллари.

⁹⁴ УСК аъзоларининг кўп ўқитувчилар эди. УСК раислари аксарият ҳолларда мактаб директорлари эди.

⁹⁵ ФСХХП 25-моддасига 2011 йилда берилган 25-сон Үмумий изохининг 21-бандида “Бир инсон – бир овоз” тамоили амал қилиши лозим” деб қайд қилинган. Қаранг: 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген хужжати 7.3-банди.

Сайлов жараёнининг тўғрилигини яхшилаш мақсадида ҳам умумий аудиторияга, ҳам сиёсий партиялар, сайлов участкалари ходимлари ва маҳаллий ҳокимият органлари каби муайян гуруҳларга мўлжассланган тарзибот кампанияларини давом эттириши орқали сайлов товламачилигига қарши чора кўриши учун кучлироқ ҳаракат қилиши керак. Сайлов товламачилигига қарши самарали, мутаносиб ва бундай фикрдан қайтарувчи санкциялар устида бош қотириши лозим.

“Ваколатли” овоз бериш кўпинча сайловчилар рўйхатига қўйилган қўриниши бир хил имзоларда намоён бўлди. Кузатувларнинг 33 фоизида шундай бўлди. Кузатилган сайлов участкаларинг 8 фоизида сайловчилар шахсини аниқлаш изчиллик билан амалга оширилмади, 5 фоизида эса сайловчилар шахсни тасдиқловчи ҳужжатсиз овоз беришга қўйилдилар. Бу икки ҳол кўп карга овоз берилиш эҳтимоли мавжудлигидан далолат беради.⁹⁶ Боз устига, кузатувчилар сайлов участкаларинг 5 фоизида сайлов қутилари мустаҳкам муҳрланмагани, 18 фоизида эса сайлов қутисига ортиқча бюллетенъ солиши аломатлари қайд қилингани хақида хабар бердилар. Ушбу қоидабузарликлар сайлов жараёни умумий ҳаққонийлиги бўйича жиддий саволлар уйғотмоқда ҳамда 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген ҳужжати 7.3-банди талаб қиласидан шубҳа солмоқда.

Кузатилган сайлов участкаларининг 27 фоизида жараёнга алоқаси йўқ бегона одамлар қайд қилинди. Аксарият ҳолларда бундай одамлар УСК аъзосига юқлатилган вазифаларни бажардилар; кузатувларинг 6 фоизида эса УСК фаолитига арашдилар ёки уни бошқардилар. Баъзи сайлов участкаларида маҳалла фаоллари сайловчилар рўйхатили олиб бориб, ЕХХТ/ДИИХБ СКМга овоз бермаган шахслар билан алоқага чиқамиз деб айтдилар. Бу ҳол айрим сайловчилар белгиланган бюллетенларини сайлов участкасидаги бошқа одамларга кўрсатиш (16 та) ҳоллари билан биргаликда сайловчиларга нисбатан овоз беришга мажбурлов ёки таъсир чоралари қўллаш эҳтимоли ҳақида далолат беради (кузатилган 22 ҳолатда шундай хабар берилди).

Қонун ҳужжатлари сайлов участкаси ичida кимлар рухсат этилганини аниқ белгилаб, алоқаси йўқ бегоналар сайлов участкаси ичига кирмаслигини ва участка ходимлари ишига аралашибаслигини таъминловчи механизм устида давлат ҳокимияти органлари бош қотириши керак.

В. САНАБ ЧИҚИШ

Санаб чиқиши жараёни астойдил баҳоланиб, овоз беришдан ҳам кўра салбий бўлиб чиқди, чунки 46 та кузатувларда жиддий қоидабузарликлар қайд қилинди. Катта аҳамиятли қоидабузарликларга йўл қўйилиши санаб чиқиши ҳалоллигини таъминланмаганидан далолат беради, ваҳоланки 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген ҳужжатининг 7.4-банди буни талаб этади.

Процедурадаги жиддий хато ва камчиликлар кузатувларнинг ярмидан сал қўпроғида (42 та ҳолатда) қайд қилинди, комиссия аъзолари ҳам процедура изчиллигига (49 та ҳолат), ҳам санаб чиқиши ҳалоллигини таъминлаш учун зарур чораларга риоя қилмадилар. Бюллетенларни солиштириш кетма-кетлигига риоя қилинмади, яъни УСК аъзолари ишлатилмаган бюллетенларни 21 та ҳолатда санамадилар, 36 ҳолатда эса уларни бекор қилмадилар. Кузатилган 46 та санаб чиқиши жараёнида УСК аъзолари чиқарилган бюллетенлар сонини сайловчилар рўйхатига қўйилган имзоларга нисбатан аниқламадилар ва кузатилган сайлов участкаларининг деярли 3/4 қисмида сайлов қутиларини очишдан олдин тенглаштириш бошқарувини чапараста текширмадилар. Кузатилган санаб чиқиши

⁹⁶ Бир нечта ҳолатда ЕХХТ/ДИИХБ СКМ сайловчилар фақат таклифномани тақдим қилишининг гувоҳи бўлди.

жараёнларининг тахминан ярмида сайловчилар рўйхати билан ишлашда белгиланган тартиб эътиборга олинмади, ҳолатларнинг ярмидан қўпида эса қонунчиликка зид равишида УСК сайловчилар рўйхатидаги имзолар сонини эълон қилмади.

Сайлов қутилари очилгандан кейин, EXХТ/ДИИХБ СКМ кузатувчилари ҳолатларнинг 1/3 қисмида сайловчилар рўйхатидаги имзолар сони қутига солинган бюллетенлар сонига мос тушмаганини айтдилар. Санаб чиқиш пайтида EXХТ/ДИИХБ СКМ кузатувчилари 19 та сайлов участкасида сайлов қутисига ортиқча бюллетенъ солиш аломатларини қайд этдилар. Ушбу камчиликлар сайлов куни жараёнлари ҳаллоллиги юзасидан талайгина савол уйғотади.

Кузатилган санаб чиқиш жараёнларининг тахминан 3/4 қисмида шаффофликка салбий таъсир кўрсатилди, чунки бюллетендаги сайловчи қўйган белгини ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ҳам кўролмади. EXХТ/ДИИХБ СКМ кузатувчилари УСК овзлар ҳақиқийлигини аниқлашда 18 ҳолатда мантиқсиз ва 27 ҳолатда номаъқул йўл тутгани ҳақида хабар бердилар. Сайловчининг иродаси бюллетенда аниқ акс эттирилганига қарамай, айrim УСК расмийсидан ўзга белги қўйилган бюллетенларни ҳақиқий эмас деб топгани ҳақида ҳам хабар бердилар.

Сайловчининг иродаси ҳурмат қилинши лозим. У бюллетенга қўйилган белги юзасидан УСК аъзоларининг талқинига мубтало бўлиши керак эмас. Ўзбошимчалик билан бюллетенларни ҳақиқий эмас деб топишни бартараф қилиши учун қонунни ўзгартиши лозим.

Кузатилган сайлов участкаларининг ярмида натижалар баённомасини тузишида УСК аъзолари ё процедура бўйича етарли билимга эга эмаслиги, ё қонуний талабларга эътиборсизлиги туфайли қийинчиликка дуч келдилар. 13 та кузатувда EXХТ/ДИИХБ СКМ кузатувчилари сайловчилар рўйхатидаги ёзувлар, натижа ёки баённомаларни УСК атайлаб қалбакилаштириди деган хulosага келдилар. EXХТ/ДИИХБ СКМга УСК тақдим қилган 92 та натижа баённомасидан 26 таси тўғри тўлдирилган эди. Қолган 66 тасида рақамлар бир бирга тўғри келмасди, чунки УСК томонидан қабул қилинган бюллетенлар сони билан жами ҳақиқий, ҳақиқий эмас ва ишлатилмаган бюллетенлар сони ўртасида фарқ бор эди. Шаффофликни чегаралаган ҳолда кузатувларнинг ярмидан камида УСК баённомалари намойиш қилинди. Қонунга мувофиқ, УСК баённомаларни ҳамма кўриши учун намойиш қилишга мажбур эмас.

С. НАТИЖАНИ ЖАДВАЛ ШАКЛИГА КЕЛТИРИШ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИШ

“ПС” қонуни сайлов натижаларини жадвал шаклига келтириш бўйича бирорта қоидани ўз ичига олмайди. EXХТ/ДИИХБ СКМ сайлов куни кечаси УСК натижа баённомаларини қўлдан қўлга бериш ва жадвал шаклига келтириш жараёнларини ҳамда ундан кейин барча 14 та ОСКдаги вазиятни кузатиб борди. Жараён 8 та ҳолатда салбий баҳоланди. Аксарият ОСКларда жадвалга келтириш жараёни шошилинч тарзда амалга оширилди. Жараёнга процедура нуқтаи назаридан аниқлик ва шаффофлик етишмади. Кўп ҳолда шаффофлик пастлиги ҳақида хабар берилишига сабаб кузатувчиларнинг процедуруларни чекланган равишида кўргани, кузатувлар чегаралангани ва айrim ОСК ҳамкорлик қилмагани бўлди.

Кузатувларнинг тахминан 1/4 қисмида УСК ўз баённомаларини ОСК худудида тузиши ёки қонунга зид равишида ОСКнинг расмий қарорисиз уларга ўзгартиш киритишиди. Кузатувларнинг 1/5 қисмида баённомалардаги рақамлар бир бирга тўғри келмади. Кузатилган кўпгина ҳолатларда УСК топширган баённомалардаги рақамлар бир бирга тўғри келишини текширмасдан ОСК уларни қабул қилди. Афсуски, барча тегишли УСКдаги натижаларни ўзида жамлаган умумий йиғма жадваллар ҳамма кўриши учун ошкор қилинмади ва ОСК томонидан уларга нисбатан ички ҳужжатлар деган муомала қилинди.

Сайловчи ва бошқа манфаатдор томонларга овозлар саногини алоҳида сайлов участкаларидан то тегишли ОСКгача кузатиб бориш имконияти тақдим қилганда эди, бу жараённинг шаффоғлигига ва жамият ишончи мустаҳкамланишига янада ҳисса қўшган бўйларди.

Сайлов участкалари ёпилгач МСК сайловдаги давомат 87,8 фоиз ташкил қилгани ҳақида хабар берди. Комиссия даслабки натижаларни 5 декабря, тасдиқланган якуний натижаларни эса 9 декабря эълон қилди. Ўз веб-сайтида МСК рўйхатга олинган умумий сайловчилар сони, овоз берганлар сони ва ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозларни фоиз кўринишда эълон қилди. Бироқ, МСК на сайлов участкалари кесимида батафсил маълумотларни, на якуний баённома нусхасини тақдим қилди.⁹⁷

Сайлов натижалари шаффоғлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаши мақсадида дастлабки ва якуний натижалар МСК томонидан дарҳол унинг веб-сайтида округ ва сайлов участкалари кесимида батафсил эълон қилинши лозим. Бундан ташқари, умумий йигма жадвалларни ҳаммага намойин қилиши орқали манфаатдор томонларнинг ишончини янада қозонини мумкин.

XV. ТАВСИЯЛАР

Матн бўйлаб берилган қуйидаги тавсиялар Ўзбекистонда сайловларни янада яхшилаш ва уларни демократик сайловлар бўйича ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа халқаро стандартларга тўла мувофиқ равиша ўтказиб борасидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тақдим қилинмоқда. Ушбу тавсиялар эътиборсиз қолган ЕХХТ/ДИИХБнинг аввалги тавсиялари билан боғлиқликда ўрганилиши лозим. ЕХХТ/ДИИХБ сайлов жараёнини янада яхшилашда ва ушбу ҳамда аввалги ҳисботларда берилган тавсияларга амал қилинда Ўзбекистон Республикаси ҳокимият органларига ёрдам беришга тайёр.⁹⁸

A. УСТУВОР ТАВСИЯЛАР

1. Бирлашиб эркинлигига номунатосиб ёки камситувчи ҳуқуқий чекловлар қўйиш йўқ қилиниши лозим. Бундан ташқари, ФСҲХП ва 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген хужжатининг 9.3 ва 10.3-бандларига мувофиқликни таъминлаш мақсадида фуқаролик жамияти ташкилотлари фаолиятига қўйилган чекловлар қайта кўрилиб, ўзгартирилиши лозим.
2. Ҳуқуқий аниқликни таъминлаш учун сайлов жараёнининг асосий жиҳатлари парламент томонидан қабул қилинган бирламчи қонунлар томонидан тартибга солиниши лозим. МСК қарорлари эса қонунлар ёритган масалаларга яна ҳам ойдинлик киритиш мақсадида қабул қилиниши лозим. Қонунчилик равонлигини таъминлаш учун қонун хужжатларини уйғунаштириш, жумладан, ягона сайлов кодексини тузиш, устида бош қотириш лозим.

⁹⁷ ФСҲХП 19-моддасига 2011 йилда берилган 34-сон Умумий изоҳининг 19-бандида “Аъзо давлатлар ижтимоий манбаат касб этувчи давлат маълумотларини омма эътиборига фаол равиша ҳавола кильмоклари лозим. Аъзо давлатлар бундай маълумотга эришиб имконияти осон, тез, самарали ва амалий бўлишини таъминлаши лозим” деб белгиланган.

⁹⁸ 1999 йилги ЕХХТ Истамбул хужжати 25-бандида ЕХХТга аъзо давлатлар зиммасига “ДИИХБ сайлов бўйича берган баҳо ва тавсиялари кетидан дарҳол ҳаракатга тушиш” мажбуриятини олдилар.

3. Фундаментал бўлган бирлашиш, йигилиш ва фикр билдириш эркинликларига чекловлар ўрнатиш истисно тарзида, фақатгина зарур бўлганда, демократик тамойилларга амал қилган ҳолда, бундан кўзланаётган ҳуқуқий мақсадга мутаносиб бўлганда, ўзбошимчалик ва ўта тақиқлаш тусида бўлмаганида кўлланилишини таъминлаш мақсадида барча тегишли қонун ва қарорлар қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши лозим.
4. Сайланиш ҳуқуқига нисбатан қўйилган, ЕХХТ мажбуриятлари ва бошқа халқаро стандартларга зид чекловлар қонунчиликдан чиқарилиши лозим. Ўзини номзодини ўзи мустақил қўйганлар ҳам Президентликка сайланиш имкониятига эга бўлиши лозим.
5. Номзодлар сайлов мақсадлари йўлида мансаблари ҳавола этган афзалликлардан фойдаланишини олдини олиш учун давлат ва партия ўртасида аниқ бўлиниш механизмини амалга ошириш лозим. Шунингдек, амал ресурсларини суистеъмол қилишга қарши самарали санкция механизмини ишлаб чиқиш лозим.
6. Сайлов пайтида номзодлар обрўсини муҳофаза этувчи ҳақоратлаш тўғрисидаги жиноий қоидалар, шунингдек таҳқирлаш, гийбат ва ёлғон ахборот тарқатишни тартибга соладиган умумий қоидалар бекор қилиниб, ўрнига фуқаролик ҳуқуқининг оқилона ва мутаносиб санкциялари қабул қилиниши лозим.
7. ОАВ фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари рўйхатга олишни рад этиш, фаолиятни тўхтатиб туриш ва ахборотни ўчириш мезонларини аниқ ва тугал қилиб белгилаши лозим. Интернет тармоғидаги миллий ва халқаро ОАВларни ёпишни мустақил назорат органи белгилаши ҳамда бу изчил ва шаффоғ тарзда амалга ошириши лозим. Бундай қарорларнинг барчаси ҳалқ эътиборига ҳавола қилиниши лозим.
8. Самарали қонуний қаноатлаштиришни таъминлаш мақсадида ҳар бир сайловчи, партия, номзод ва кузатувчи сайлов жараёнининг ҳар қандай жиҳати юзасидан шикоят, шунингдек, қайта санаш ва сайлов натижаларини қайта санаш талаби, билан мурожаат қилиши учун қонунни ўзгартириш ва бундай шикоятлар учун оқилона муддат белгилаш лозим.
9. Шаффоғлини ошириш мақсадида ва ЕХХТ мажбуриятларига риоя қилган ҳолда, қонун сайлов жараёнининг барча босқичларида партиявийликдан ҳоли фуқаролик кузатувини аниқ белгилаб бериши лозим.
10. Сайлов жараёнининг тўғрилигини яхшилаш мақсадида ҳам умумий аудиторияга, ҳам сиёсий партиялар, сайлов участкалари ходимлари, ёшлар, аёллар ва маҳаллий ҳокимият органлари каби муайян гурухларга мўлжалланган тарғибот кампанияларини давом эттириш орқали сайлов товламачилигига қарши чора кўриш учун кучлироқ ҳаракат қилиш керак. Сайлов товламачилигига қарши самарали, мутаносиб ва бундай фикрдан қайтарувчи санкциялар устида бош қотириш лозим.

В. ҚОЛГАН ТАВСИЯЛАР

Сайловни бошқариш

11. Овозларни санаб чиқиш ва натижани жадвал шаклини келтириш билан боғлиқ ойдин, тўғри кетма-кетлиқдаги тартиб ва кафолатларни ўз ичидан мушассам этиши учун

қонунчиликни ўзгартириш керак. Қонунчиликка асосланган ҳолда МСК қуийи погонадаги комиссияларга қадам-бақадам йўриқнома ишлаб чиқиши лозим.

12. Овоз бериш яширинлигини таъминлаш мақсадида бюллетенъ дизайнни маълум бир сайловчи билан бюллетенъ ўртасида кўзга кўринадиган алоқадорликни истисно қилиши лозим.

Сайловчиларни рўйхатга олиш

13. Кўйилган чеклов билан содир этилган жиноят оғирлигининг мутаносиблигини таъминлаш мақсадида жиноят туридан қатъий назар жазо ўтаётган фуқароларнинг сайлаш хукуқига чеклов қўйиш қайта кўриб чиқилиши лозим. Ақли заиф инсонларнинг сайлаш хукуқига чеклов ҳам қайта кўриб чиқилиши ёки ўзига хос жиҳатлардан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир ҳолатда алоҳида ҳал қилиниши лозим. Давлат ҳокимияти органлари БМТнинг Ногиронлар хукуклари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишни ўйлаб кўриши лозим.
14. Мунтазам равишда янгиланиб ва турли манбалар орқали қайта текширилиб турилувчи марказлашган сайловчи регистрини ишлаб чиқиш устида бош қотириш лозим. Сайловчилар рўйхатларини тайёрлаш механизми аниқ белгиланиб, ягона йўсинда қўлланилиши лозим.
15. Кўп карра овоз беришни олдини олиш мақсадида сайловчилар сайлов куни рўйхатдан ўтиш имкониятини бекор қилиш ҳақида мулоҳаза қилиш лозим. Сайлов кунида рўйхатдан ўтиш қолдирилса, қўшимча ёзувларга фақат аниқ ишлаб чиқилган тартибга асосан рухсат берилиши лозим.
16. Шаффофликни ошириш учун сайлов кунида ёки ундан аввал рўйхатдан ўтган сайловчилар умумий сони ҳақидаги ОСК ва УСК бўйича бўлинган маълумотни чоп этишининг юридик талаби МСК зиммасига юкланиши лозим.

Сайлов кампанияси

17. Электорат йиғилиш хукуқидан сайлов пайтида, шунингдек сайловдан олдин ва кейин ҳам, фойдалана олиши лозим. Қонунни шундай ўзгартириш лозимки, рухсат бериш тартиби ўрнига шунчаки хабардор қилиш талаб қилинсин.

Кампания молиявий таъминоти

18. Ёқтирган номзодини қўллаб-қувватлашга йўл очиб бериш учун номзод кампаниясига тўғридан-тўғри хусусий маблағ ажратишга рухсат бериш устида бош қотириш лозим.
19. Шаффофликни ошириш мақсадида кампания кирим-чиқимлари тўғрисида даврий, ўз вақтида ва шаффоф тарзда, шу жумладан сайлов кунигача ҳам, ҳисбот беришнинг қонуний талаблари устида бош қоритиш лозим. Шунингдек, назорат килувчи органларидан ўз ҳисботларини эълон қилиш талаб этилиши лозим. Кампания молиявий қоидаларини бузганга самарали, мутаносиб ва бундай фикрдан қайтарувчи санкциялар жорий қилиниши мумкин.

ОАВ

20. Блоглар каби ахборот тарқатувчи онлайн платформаларни ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказиш талаби бекор қилиниб, онлайн мулоқотни тартибга солувчи қонунчиликни тегишили халқаро стандартларга мослаштириш лозим.

Озчиликни ташкил этувчи бошқа миллатлар иштироки

21. Рус ва қорақалпоқ тилларига қўшимча равишда, сайловчи ахбороти ва сайлов материалларини бошқа миллат вакиллари тилларида, айниқса шу миллат вакиллари истиқомат қиласиган ҳудудларда, тақдим қилиш тўғрисида ўйлаб кўриш лозим.

Сайлов қуни ва натижаларни эълон қилиш

22. Конун ҳужжатлари сайлов участкаси ичда кимлар рухсат этилганини аниқ белгилаб, алоқаси йўқ бегоналар сайлов участкаси ичига кирмаслигини ва участка ходимлари ишига аралашмаслигини таъминловчи механизм устида давлат ҳокимияти органлари бош қотириши керак.
23. Сайловчининг иродаси ҳурмат қилиниши лозим. У бюллетенга қўйилган белги юзасидан УСК аъзоларининг талқинига мубтало бўлиши керак эмас. Ўзбошимчалик билан бюллетенларни ҳақиқий эмас деб топишни бартараф қилиш учун қонунни ўзгартириш лозим.
24. Сайлов натижалари шаффошлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш мақсадида дастлабки ва якуний натижалар МСК томонидан дарҳол унинг веб-сайтида округ ва сайлов участкалари кесимида батафсил эълон қилиниши лозим. Бундан ташқари, умумий йиғма жадвалларни ҳаммага намойиш қилиш орқали манфаатдор томонларнинг ишончини янада қозониш мумкин.

ИЛОВА I: САЙЛОВ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ⁹⁹

Рўйхатга олинган сайловчиларнинг умумий сони	20 461 805
Овоз берган сайловчилар умумий сони	17 951 667
Ҳақиқий овозлар умумий сони	17 16 938
Давомат (фоизда)	87.73

Номзод	Овозлар	%
Шавкат Мирзиёев	15 906 724	88.61
Хатамжон Кетмонов	669 187	3.73
Наримон Умаров	619 972	3.46
Сарвар Отамуратов	421 055	2.35

⁹⁹ МСК веб-сайтида эълон қилинган маълумотларга кўра

ИЛОВА II: ЕХХТ/ДИИХБ СКМ ТАРКИБИДАГИ КУЗАТУВЧИЛАР РЎЙХАТИ

ЕХХТ/ДИИХБ СКМ қисқа муддатли кузатувчилари

Дита БИЧАНОВСКА	Чехия Республикаси
Алес ЯКУБЕК	Чехия Республикаси
Жана ЗАВОДНИКОВА	Чехия Республикаси
Расмус Фоннесбэк АНДЕРСЕН	Дания
Иб Кок ГАНСЕН	Дания
Педер Бейерголь ЛАРСЕН	Дания
Мерет ЛОБЬЕРГ	Дания
Кирстен Пия Борфельт МОГЕНСЕН	Дания
Нилс Эрик НИЛСЕН	Дания
Грет СКОВ	Дания
Эрик ТО-КНУДСЕН	Дания
Керстин МАХЛАПУ	Эстония
Лу МЕТСИС	Эстония
Ханну Уолеви ЭЛФРЕНГЕН	Финляндия
Салла НАЗАРЕНКО	Финляндия
Маржут САВОЛАЙНЕН	Финляндия
Мэтью БУЛЭ	Франция
Адиана ДОМАГАЛА	Франция
Ирэн КЭТОФ	Франция
Паскаль САЛАНЬЯК	Франция
Валери Флоренс АДАМС	Германия
Сабина Элизабет Маргарет АЛК	Германия
Фридгельм БАЛТЕС-МЕЙЕР ЗУНАТРУП	Германия
Мелани БРЕЙТЕР	Германия
Керстин ДОКТЕР	Германия
Мария Ирен ФЕЛМАНН	Германия
Бригит ГЕВЕР	Германия
Рената Элеонора ГОЛЗАПФЕЛ	Германия
Райннер Вернер КЛЕФФЕЛЬ	Германия
Ян КРЕЦШМАР	Германия
Вольфганг Димтар ЛИХТЕР	Германия
Ганс Кристиан ЛОЙСЕКЕ	Германия
Вольфганг МАТКЭ	Германия
Кристина МЮШЭН	Германия
Файк Янки ПЮРСИОН	Германия
Экарт РОХД	Германия
Кристин РОЗЕНБЕРГ	Германия
Оlivер ШИЛЬ	Германия
Сигфрид ШУЛЬЦ	Германия
Янс-Мариус ТИЛЬМАНС	Германия
Анна УГЛИХ	Германия

Мартин ВОЛЬФ	Германия
Дора ЛУТЦЕР	Венгрия
Ливия ТРЕСТЬЯНЦКИ	Венгрия
Адрианна БОЙЛЬ	Ирландия
Мари КРОСС	Ирландия
Тэренс ДАФФИ	Ирландия
Винсент Пирс МакКОРЛИ	Ирландия
Эймар О'КЕЙСИ	Ирландия
Одри РАЙЯН	Ирландия
Франческо БРУСКОЛИ	Италия
Алберто ЛАМПАСОНА	Италия
Марко МАРСИЛИ	Италия
Арианна ШИОНЕ	Италия
Антония ШИОНЕ	Италия
Азамат АЛДАМЖАРОВ	Қозогистон
Нурболат АЛИМБАЕВ	Қозогистон
Арнур БАЯКЕНОВ	Қозогистон
Жандос БУХБАНТАЕВ	Қозогистон
Рустем ЖАМАНКУЛОВ	Қозогистон
Ильяс КАРСАКОВ	Қозогистон
Ильяс КУРМАНОВ	Қозогистон
Данияр НУРАЛДИНОВ	Қозогистон
Нуржан РАХМЕТОВ	Қозогистон
Женис УМБЕТОВ	Қозогистон
Харис БАТРАГС	Латвия
Арвэ БЬЁРШТАД	Норвегия
Элис Люр ДИТРИЧСОН	Норвегия
Кристин ХЬЁЛАНД	Норвегия
Франк Ронни ЙОХАНСЕН	Норвегия
Марте Боген СИНДЕРОД	Норвегия
Лиза Кнатеррод ВОЛЬД	Норвегия
Марта ДАБРОВСКА	Польша
Дорота КРОЛАК	Польша
Анна КРЯЗШТОФИК	Польша
Мирце ЛАМАТИЧ	Руминия
Сори Василе МОЛДОВАН	Руминия
Айрат АБДУЛЛИН	Россия Федерацияси
Энвер АХМЕДОВ	Россия Федерацияси
Андрей АЛЕКСЕЕВ	Россия Федерацияси
Владимир АНДРИАНОВ	Россия Федерацияси
Руслан АРУТЮНОВ	Россия Федерацияси
Сейгер БАБУРКИН	Россия Федерацияси
Дмитрий БАГДУЛИН	Россия Федерацияси
Александр БЕДРИТСКИЙ	Россия Федерацияси
Александр БОРИСОВ	Россия Федерацияси
Михаил БОРОВКОВ	Россия Федерацияси

Наталья БРОННИКОВА	Россия Федерацияси
Алексей ДОРОВСКИХ	Россия Федерацияси
Варвара ДРОНОВА	Россия Федерацияси
Рафаэль ГЕВОРКЯН	Россия Федерацияси
Алёна ГУДКОВА	Россия Федерацияси
Александр ИГНАТОВ	Россия Федерацияси
Джалил КИЕКБАЕВ	Россия Федерацияси
Михаил КОКОРЁВ	Россия Федерацияси
Екатерина КОПИЛОВА	Россия Федерацияси
Мария КОРОТИНА	Россия Федерацияси
Анна КОЗИНА	Россия Федерацияси
Эльдар КУРБАНОВ	Россия Федерацияси
Дмитрий МАКАРОВ	Россия Федерацияси
Михаил МАРКОВЕЦ	Россия Федерацияси
Алексей НОВОСЕЛОВ	Россия Федерацияси
Константин ОСИПОВ	Россия Федерацияси
Лариса ПОЛЮШИНА	Россия Федерацияси
Александр РОГВ	Россия Федерацияси
Игорь ШАХТАР-ООЛ	Россия Федерацияси
Юрий ШАПОВАЛОВ	Россия Федерацияси
Евгений ТЕРЁХИН	Россия Федерацияси
Святослав ТЕРЕНТЬЕВ	Россия Федерацияси
Ксения ВЕРХОЛАНЦЕВА	Россия Федерацияси
Юлия ВОРОБЬЕВА	Россия Федерацияси
Пётр ЯХМЕНЁВ	Россия Федерацияси
Алина ЗОЛОТАРЁВА	Россия Федерацияси
Иза ТЦАР	Словения
Рафаэль БЕРГЕР	Швейцария
Франсин ДЖОН	Швейцария
Зара ШМИТД	Швейцария
Александра ВОН АРКС	Швейцария
Мехмет Мунис ДИРИК	Турция
Абебайо АДЕТОНА	Буюк Британия
Фиона Диана АНДЕРСОН	Буюк Британия
Норма ДЕ ЛА КРУЗ	Буюк Британия
Джейн ФЛЭННЕРИ	Буюк Британия
Эмили Сара ФРЕДГЛИ	Буюк Британия
Доминик Руперт Дэвид ХОУЭЛ	Буюк Британия
Ян ЛАСОКИ	Буюк Британия
Кристофер Стюарт ЛЕВИК	Буюк Британия
Кейт МАЛЛИНСОН	Буюк Британия
Эндрю МКЕНТЕ	Буюк Британия
Сара Луиза МАРРЕЛ	Буюк Британия
Марк ПАСКОЙ	Буюк Британия
Ричард ВУД	Буюк Британия
Роберт БАЛАНОВ	АҚШ

Эндрал БРАТТОН	АҚШ
Барбара КЕЙТС	АҚШ
Джефри ЧИН	АҚШ
Эрик ФЕЙ	АҚШ
Оливер Чен ГАРАУД	АҚШ
Кеннет ХИЛЛ	АҚШ
Эрнст Милтон ДЖОУНС	АҚШ
Мэри Кей ДЖУДИ	АҚШ
Клер КАЙЗЕР	АҚШ
Дэвид КҮЮНЕН	АҚШ
Мелинда Мэри ЛОРД	АҚШ
Нэнси ЛЮБИН	АҚШ
Майкл МОЗУР	АҚШ
Тамбидурай (Кумар) МУТУКУМАРАСВАМИ	АҚШ
Эмили РОУМ	АҚШ
Лорэн СКОМПИНСКИ	АҚШ
Дэниэл ЯСТИШОК	АҚШ

Узоқ муддатли кузатувчилар**ЕХХТ/ДИИХБ СКМ негизи**

Элчи Петер ТЕЙЛЕР	Миссия раҳбари	Швеция
Анна ЭФРЕМЕНКО		Беларусь
Иван ЦИКОТА		Беларусь
Ведрана ХАЛИЛОВИЧ		Ховатия
Каха ИНАШВИЛИ		Грузия
Лела ЦААВА		Грузия
Элиссавет КАРАГИАНИДОУ		Греция
Инта ЛАЗЕ		Латвия
Юрга ЛЮКШАТЕ-РОЙЛИНГ		Литва
Валерю МИЙА		Молдова
Малгорцата ГРАБОСКА		Польша
Катарцина ЯНКИ-КОВАЛЦШИК		Польша
Премяслов ЛАСКОВСИК		Польша
Стэфан СЦВЕД		Польша
Андрей ХАНЖИН		Россия Федерацияси
Ранко ВУКЧЕВИЧ		Сербия
Роберт БИСТРИКИ		Словакия
Андерс ЭРИКСОН		Швеция
Полина ЛЕМОС		Буюк Британия

ЕХХТ/ДИИХБ СКМ узоқ муддатли кузатувчилар

Андрей КРАСНЯНСКИЙ

Томас ТРАМПОТА

Беларусь

Чехия Республикаси

Мэтте СЕЛЬЧАЮ	Дания
Хенрик ВЕСТЕРБИ	Дания
Алан Бруно Клод ЧАБУ	Франция
Готфрид БРАМЕР	Германия
Гартвиг Гюнtram Ганс КАБОТ	Германия
Анна РЕНШМИТД	Германия
Майкл Джон ВЕРЛИНГ	Ирландия
Агата Мария Жоанна ДЕ ВИТ	Нидерландия
Торил ЛЮНД	Норвегия
Игорь ЧАМОВ	Россия Федерацияси
Юлия КУДЕНЕЕВА	Россия Федерацияси
Александр ПАШЕДКО	Россия Федерацияси
Всеволод ПЕРЕВОЗЧИКОВ	Россия Федерацияси
Диана Франка ФЕРРАРИ	Швейцария
Александр Ньютон АНДЕРСОН	Буюк Британия
Джиллиан Элизабет ГЛОЙЕР	Буюк Британия
Шейн Кьюнг АН	АҚШ
Роберт Иверсон ПОУЛИН	АҚШ

ЕХХТ/ДИИХБ ҲАҚИДА

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ЕХХТ/ДИИХБ) аъзо давлатларга “инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни тўлиқ таъминлаш, қонун устуворлигига риоя қилиш, демократик тамойилларни рағбатлантириш ва (...) демократик институтларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва химоя қилишда ҳамда бутун жамият қўламида бағрикенгликни ривожлантиришда” ёрдам кўрсатишга чақирилган ЕХХТнинг асосий институтидир (1992 йилги Хельсинки саммити ҳужжати). Бу ЕХХТнинг инсоний ўлчови ҳисобланади.

Варшавада (Польша) жойлашган ЕХХТ/ДИИХБ 1990 йилдаги Париж саммитида Эркин сайловлар бюроси сифатида ташкил этилган бўлиб, 1991 йил май оидан ўз фаолиятини бошлаган. Бир йил ўтгач бюронинг ваколати инсон ҳуқуқлари ва демократлаштириш масалаларини ўз қамровига олиши туфайли кенгайиб, бу ўзгаришлар унинг номида ҳам ўз аксини топди. Ҳозирги кунда бюро штатида 130 нафардан ортиқ ходим ишлайди.

ЕХХТ/ДИИХБ Европада **сайловларни кузатиш** соҳасида етакчи ташкилот ҳисобланади. Ҳар йили бюро ЕХХТ минтақасида ўтказилаётган сайловлар ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар, демократик сайловлар ўтказиш бўйича бошқа халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка мослигини баҳолаш учун минглаб кузатувчилар сафарбарлигини мувофиқлаштиради ва ташкил этади. Унинг ноёб методологияси сайлов жараёнининг барча жиҳатларини чукур таҳлил қилиш имконини беради. Ёрдам кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш орқали ЕХХТ/ДИИХБ аъзо давлатларга сайлов пойдеворини мустаҳкамлашга кўмак беради.

Бюронинг **демократлаштириш** бўйича фаолияти қўйидаги соҳаларни ўз ичига олади: қонун устуворлиги, қонунчилик соҳасида кўмак, демократик бошқарув, миграция ва қўчиш эркинлиги, ҳамда гендер тенглик. ЕХХТ/ДИИХБ демократик тузилмаларни ривожлантириш бўйича ҳар йили бир қатор аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларни амалга оширади.

Шунингдек, ЕХХТ/ДИИХБ аъзо давлатларга ЕХХТ инсоний ўлчовлари борасида қабул қилинган **инсон ҳуқуқлари** ва асосий эркинликларини мустаҳкамлаш ва химоя қилиш бўйича уларнинг мажбуриятларини бажаришда кўмак беради. Бунга терроризмга қарши курашиб шароитларида инсон ҳуқуқларига риоя этиш, одам савдоси қурбонларининг ҳуқуқлари химоясини кучайтириш, инсон ҳуқуқлари борасида ўқитиш ва ўргатиш, инсон ҳуқуқларининг риоя қилинишини мониторинг қилиш ва ҳисбот бериш, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва уларнинг хавфсизлиги каби соҳаларда ҳамкорликни рағбатлантириш, имкониятларни ривожлантириш ва тажриба алмашиш мақсадида кенг доирадаги ҳамкорлар билан биргаликдаги ишлар воситасида эришилади.

Бағрикенглик ва **камситмаслик** соҳалари доирасида ЕХХТ/ДИИХБ нафрат, ирқчилик авж олиши, ксенофобия, антисемитизм ва бағрикенглизникнинг бошқа шаклларига қарши курашни қўллаб-куватлашда аъзо давлатларга ёрдам кўрсатади. Бағрикенглик ва камситмаслик борасидаги ЕХХТ/ДИИХБ фаолияти қўйидаги соҳаларга қаратилган: қонунчилик; қонунларни ижро этиш таълими; нафрат асосидаги жиноят ва ҳодисаларни мониторинг қилиш, улар юзасидан ҳисботлар тайёрлаш ва уларга жавобан ҳаракат қилиш; бағрикенглик, хурмат ва ҳамжиҳатликни рағбатлантириш бўйича ўқитиш тадбирлари.

ЕХХТ/ДИИХБ рома ва **синти** (лўли) халқларига нисбатан сиёsat борасида аъзо давлатларга маслаҳатлар беради. Бюро рома ва синти жамоалари орасида имкониятларни ривожлантириш ва алоқалар ўрнатишни йўналтиради ҳамда рома ва синти вакилларининг ҳукумат органларида иштирокини рағбатлантиради.

ДИИХБнинг барча тадбирлари ЕХХТга аъзо давлатлар, ЕХХТ институт ва ўзга мамлакатлардаги миссиялари, ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ўтказилади.

Кўшимча маълумотларни **ДИИХБнинг** Интернет тармоғидаги сайтидан олиш мумкин (www.osce.org/odihr).